

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**АБУ РАЙХОН БЕРУНИЙ НОМИДАГИ
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИ**

**Қўлёзма ҳуқуқида
УДК:658.012+331.101.262**

ҚОСИМОВА ДИЛОРОМ СОБИРОВНА

**«ЎЗБЕКНЕФТГАЗ» МХК ИШЛАБ ЧИҚАРИШ САЛОҲИЯТИНИ
РИВОЖЛАНТИРИШ ВА УНДАН САМАРАЛИ ФОЙДАЛАНИШНИ
БОШҚАРИШ**

08.00.05 – «Менежмент» ихтисослиги

**иқтисод фанлари доктори илмий
даражасини олиш учун ёзилган диссертация**

А В Т О Р Е Ф Е Р А Т И

Тошкент – 2006

338 (575.1(043.3))

K-61

Иш Тошкент давлат иқтисодиёт университетида бажарилган

Илмий маслаҳатчи:

иқтисод фанлари доктори

М.А. Маҳкамова

Рەсмий оппонентлар:

академик, и.ф.д., профессор
и.ф.д., профессор
и.ф.д., профессор

Р.А. Убайдуллаева,
Т.К. Иминов,
Д.Н. Раҳимова

Етакчи ташкилот:


Ўзбекистон Республикаси Фанлар
Академияси Иқтисодиёт институти

Химоя Тошкент давлат техника университети (700095 Тошкент шаҳри,
Университет кўчаси, 2) қошидаги К.067.07.06. рақамли Ихтисослашган
кенгашнинг 2006 йил «27» сентябрь соат «14⁰⁰» да ўтадиган мажлисида
бўлади.

Диссертация билан Тошкент давлат техника университетининг
кутубхонасида танишиш мумкин.

Автореферат 2006 йил «26» сентябрь да тарқатилди.

Ихтисослашган кенгаш
илмий кетиби,
иқтисод фанлари номзоди



А.М. Турсунов

1. ДИССЕРТАЦИЯНИНГ УМУМИЙ ТАВСИФИ

Мавзунинг долзарблиги. Ўзбекистон Республикасида амалга оширилаётган кенг қамровли ислохатлар, иқтисодийтимиз самарадорлигини оширишнинг устувор омилларидан бири сифатида мамлакат ёқилғи-энергетика мажмуасида таркибий ўзгаришларни амалга ошириш заруриятини келтириб чиқармоқда.

Углеводород хом ашёси конлари истиқболли эканлиги, орттирилган илмий-техник салоҳият ва бой ишлаб чиқариш тажрибаси мамлакатда нефт-газ мажмуасини янада ривожлантириш учун қулай замин яратди. Ушбу мажмуа Ўзбекистон саноатининг етакчи тармоқларидан бири бўлиб, республика мустақиллигининг негизи ва айни пайтда махсулот экспортининг муҳим манбаи ҳисобланади.

Бозор муносабатларига ўтиш нефт-газ тармоғи ва унинг корхоналари фаолият мезонларини тубдан қайта кўриб чиқишни тақозо этмоқда. «Ўзбекнефтгаз» миллий холдинг компанияси (МХК) нефт-газ соҳасидаги кўп тармоқли йирик саноат-хўжалик тузилмасидир. Унинг таркибига кирувчи корхоналар хом ашёни кидириб топиш ва қазиб олишдан тортиб то тайёр махсулотни сотишгача бўлган тармоқдаги барча фаолият турларини амалга оширади. Корхоналарнинг асосий мақсади мамлакатнинг амалдаги қонунчилигига асосан белгилаб олинган бўлиб, фойда кўришдан иборат. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2006 йилда иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган мажлисидаги маърузасида «"Ўзқишлоқ-хўжаликмаши-холдинг", "Ўзбекэнергия", "Ўзбекистон темир йўллари", "Ўзбекнефтгаз" каби мамлакатимиз бозорида монопол мавқени эгаллаб турган кўплаб компанияларга тегишли объектларни хусусийлаштириш масалалари бўйича ёндашувларни жиддий қайта кўриб чиқиш лозим»лигини, шунингдек, «корхоналарни хусусийлаштириш ва хусусийлаштиришдан сўнг қўллаб-қувватлаш, корпоратив бошқарув тизимида тегишли тартиб ўрнатиш, акциядорлик жамиятлари ва уларнинг кузатув кенгашлари ролини тубдан қайта кўриб чиқиш ва фаолиятини кучайтириш» борасида саъй-ҳаракатларни муҳассамлаштириш зарурлигини қайд этиб ўтди¹.

«Ўзбекнефтгаз» МХК хўжалик фаолияти самарадорлиги нефт-газ тармоғини бошқаришнинг бозор усулларини аниқлаш, ягона рационал ахборот базасини яратиш, компаниянинг ташкилий тузилишини мақбуллаштириш, ишлаб чиқариш салоҳиятининг таркибий қисмларини самарали ривожлантириш каби бир қатор муаммоларни ҳал қилишга боғлиқ. Компания ресурслар салоҳиятини бошқаришни такомиллаштириш, тармоқни модернизациялаш ва ислоҳ этиш мақсадида инвестицияларни жалб қилиш нафақат хўжалик юритиш шакл ва усулларини, балки уларни бошқариш

¹ И.А.Каримов. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари "Эришилган ютуқларни муштахкамлаб, янги марралар сари изчил ҳаракат қилиш миз лозим" ва 2006 йилда иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган мажлисидаги маърузаси. «Халқ сўзи». 11 феврал 2006 йил.

жараёнида қатнашувчи барча тоифадаги ходимларнинг иқтисодий онг ва муносабатларини ҳам қайта қуришни такозо қилади.

Шунинг учун корпоратив тузилмаларнинг вужудга келиш хусусиятлари, ўзгариш тенденциялари ва ривожланиш истикболларини тизимли тадқиқ этиш зарурияти тобора долзарб аҳамият касб этмоқда. Бундай тадқиқотлар корпоратив тузилмаларнинг иқтисодиётдаги ўрни ва роли ҳақида тўлиқ тасаввурга эга бўлиш, тараққиётнинг ҳар бир bosқичида унинг фарқли хусусиятларини аниқлаш, мулкчилик муносабатларида рўй бераётган таркибий ўзгаришларни тўғри ақс эттириш, республикада амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ўзгаришларнинг моҳиятини чуқурроқ англаш, шу асосда бозор ўзгаришлари йўлида иқтисодиётни корпоративлаштиришнинг келгуси истикболларини ва корпоратив тузилмаларни тараққий эттиришнинг асосий йўналишларини аниқроқ белгилаб олишга имкон берувчи мамлакатни стратегик ривожлантиришнинг янги концепциясини ишлаб чиқиш бўйича муайян тавсияларни илмий асослашга имконият яратади.

Мазкур диссертация мавзуси ҳозирги шароитда интеграциялашган корпоратив тузилмаларни ривожлантиришнинг умумий ва ўзига хос муаммолари етарлича ўрганилмаганлиги сабабли долзарб ҳисобланади.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Корпоратив мулкчилик муаммоларига бағишланган бир қанча монографиялар, илмий тўпламлар, журналлар ва даврий матбуотда кўплаб мақолалар chop этилган, уларда бу муаммонинг турли жиҳатлари ёритиб берилган. Айти бир пайтда корпоратив мулкчиликни назарий-иқтисодий муаммолари институционал таҳлил билан уйғунлаштириб ўрганишни талаб қилади. Бу корпоратив тузилмалар табиатини, уларни ривожлантиришнинг ўзига хос хусусиятларини, ижтимоий-иқтисодий ўзгаришларда ва миллий иқтисодиётни модернизациялашда ушбу мулк шаклининг ролини ҳар томонлама ва тўлиқ ақс эттиришга имкон беради.

Иқтисодий назариянинг институционал йўналишларини ақс эттирувчи бошқарув масалаларига илмий ёндашув Ф.Тейлор, А.Томпсон, А.Стриклид, А.Файоль, М.Портер, И.Ансофф, Х.Висселл, П.Друкер, М.Хаммер, Я.Чампи ва бошқаларнинг илмий ишларида ўз ифодасини топган.

Бозор муносабатларига ўтилиши туфайли иқтисодиётнинг реал секторига корпоратив тузилмаларни ривожлантириш муаммолари М.Крук, Ю.Винслав, О.Яновская, А.Бандурин, В.Грошев, А. Власов, М.Гинзбург, Н.Страмцов, В.Алиев, М.Охунова, А.Азизқориев, В.Алекперов, М.Газеев, М.Окландер, А.Ойенде, Абдулла Али Толиб каби олимларнинг тадқиқотлари мавзусига айланган. Лекин уларнинг тадқиқотларида, жумладан, нефт-газ мажмуасида корпоратив тузилмаларни бошқаришнинг ўзига хос ва минтақавий хусусиятларга эга бўлган назарияси ҳамда амалиёти масалалари ривожлантирилди.

Бошқарув тизимларини такомиллаштириш муаммоларини ўрганишга ўзбекистонлик олимлар ҳам муносиб ҳисса қўшишган. Хусусан, бу олимлар тадқиқотларининг салмоқли қисми ишлаб чиқариш ва ҳудудий тизимларни бошқариш (М.Шарифхўжаев, С.Ғуломов, Т.Аҳмедов, Д.Саъдуллаев ва бошқалар), корпоратив бошқарув (Б.Беркинов, А.Ҳошимов, Р.Яушев ва

бошқалар), миллий иқтисодиёт ва унинг айрим секторлари рақобатбардошлигини ошириш (А.Ҳикматов, А.Расулев, Д.Тростянский, С.Олимхўжаев, Т.Иминов ва бошқалар), қимматли қоғозлар бозорини ривожлантириш (И.Бутиков ва бошқалар), иқтисодиётда инвестиция ва инновация жараёнларини ривожлантириш (И.Тухлиев, Ш.Йўлдошев, Д.Ғозибеков, М.Маҳкамova ва бошқалар), ходимларни бошқариш ва меҳнат ресурсларидан самарали фойдаланиш (Р.Убайдуллаева, Қ.Абдурахмонов, Ш.Зайнутдинов, Д.Раҳимова, М.Турсунхўжаев ва бошқалар) муаммоларига бағишланган.

Ўзбекистон ёқилги-энергетика мажмуаси ишлаб чиқариш салоҳиятидан самарали фойдаланишнинг назарий ва амалий муаммолари Л.Соколова, В.Иванов, А.Зокиров, И.Карбанович, Ғ.Қосимов, С.Успенская, Н.Олиможнова, К.Мелькумов, О. Йўлдошева ва бошқаларнинг илмий ишларида тадқиқ этилган. Бу илмий ишларда тармоқнинг институционал инфратузилмасини ривожлантириш муаммолари моддий, меҳнат ва табиий ресурсларни тақдор ишлаб чиқариш тарзида ҳам тармоқдаги айрим субъектлар ишлаб чиқариш салоҳиятини тараққий эттириш сифатида ҳам кўриб чиқилган.

Бироқ барқарор тараққий стратегиясини амалда ҳаётга тадбиқ этиш нефт-газ компаниялари стратегик менежменти йўналишларини ривожлантиришда тегишли ўзгартиришлар киритган ҳолда барқарор ривожланишга нисбатан ташқи ривожланиш жараёни тизимли эканлигини ҳамда уни таркиблштиришни кўзда тутувчи ички умумтизим шартларини ишлаб чиқишни тақозо этади.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, муаллиф ресурс сарф-харажатлари ва конъюнктурани шакллантирувчи омилларнинг ўзгаришини, шунингдек, иқтисодий ривожланиш тенденциялари ва истисқолларини белгилаб берувчи макроиқтисодий кўрсаткичлар мажмуасини ҳисобга олган ҳолда «Ўзбекнефтгаз» МХК корхоналари ишлаб чиқариш салоҳиятини стратегик бошқариш ва ривожлантиришнинг мақсадли йўналишларини тадқиқ этган.

Диссертация ишнинг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация иши Тошкент давлат иқтисодиёт университетининг илмий тадқиқот ишлари режасига киритилган ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Фан ва технологиялар маркази гранти (ДИТД-2 бўйича “Ўзбекистонда иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш ва эркинлаштиришнинг илмий асосларини ишлаб чиқиш” илмий ҳисобот) доирасида тайёрланди.

Тадқиқот мақсади. Ўзбекистон Республикаси нефт-газ мажмуасининг барқарорлиги ва рақобатбардошлигини таъминловчи корпоратив тузилмаларда бошқарув тизимини такомиллаштириш юзасидан назарий, услубий ва амалий тақлиф ва тавсияларни ишлаб чиқишдан иборатдир.

Тадқиқот вазифалари. Юқоридаги мақсадни амалга ошириш учун қуйидаги вазифалар белгилаб, улар ҳал этиб берилди:

- ◆ иқтисодий тизим ўзгарувчан шароитда ташкилотнинг ривожланишини бошқаришни назарий жиҳатдан тадқиқ этиш;
- ◆ интеграциялашган корпоратив тузилмаларни, миллий иқтисодиёт

- рақобатбардошлигини оширишда ўрнини белгилаб берган ҳолда, уларнинг мазмун ва моҳиятини очиб бериш;
- ◆ корпоратив бошқарувнинг ўзига хос хусусиятларини таҳлил қилиш, нефт-газ компаниялари таркибан қайта тузилишини баҳолаш;
 - ◆ республикада интеграциялашган корпоратив тузилмаларни шакллантиришнинг концептуал моделини, уларнинг ривожланиш тенденциялари ва фаолият юритиш самарадорлигини баҳолаш;
 - ◆ «Ўзбекнефтгаз» МХКда корхоналар таркибини қайтадан тузишнинг асосий тенденцияларини ва бошқарув самарадорлигини ошириш йўллариини аниқлаш;
 - ◆ илмий-техник маҳсулотлар бозори талабларини ҳисобга олган ҳолда корпоратив тузилмаларнинг инновация стратегиясини шакллантириш услубийтини ишлаб чиқиш;
 - ◆ нефт-газ мажмуасида инвестиция фаолияти стратегик йўналишларини танлаш ва инвестиция стратегияси самарадорлигини баҳолаш жараёнини моделлаштириш услубийтини ишлаб чиқиш;
 - ◆ «Ўзбекнефтгаз» МХКда бошқарувнинг кўп поғонали ташкилий тузилмаларини барпо этишнинг дастурий-услубий аппаратини ишлаб чиқиш, корпоратив тузилманинг ички ташкилий-хўжалик механизмини шакллантириш тенденцияларини асослаб бериш;
 - ◆ корпоратив тузилмалар базавий стратегиясини шакллантириш, бундай стратегия концепциясининг технологиялари ва ташкилий жиҳатларининг услубий асослари ҳамда унинг самарадорлигини баҳолаш услубийтини ишлаб чиқиш.

Диссертациянинг назарий ва услубий асосини Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг бозор ислохотларини чуқурлаштириш ва республика иқтисодиётини модернизациялаш стратегиясини белгилаб берувчи фармонлари ва асарлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қонун ҳужжатлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг тадқиқот мавзусига оид қарорлари, шунингдек, Ўзбекистонлик ва хорижлик олимларнинг иқтисодиётнинг реал секторда ишлаб чиқаришни бошқариш, институционал ўзгаришлар ва таркибан қайта тузиш соҳасига оид илмий-назарий асарлари, ўрганилаётган муаммо мавзусига доир меъриий-ҳуқуқий ҳужжатлар ҳамда даврий адабиётлар ташкил қилади.

Илмий ишда Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Давлат Статистика қўмитаси, Давлат Мулк қўмитаси, «Ўзбекнефтгаз» МХК ва унинг таркибий бўлинмалари илмий-тадқиқот муассасалари маълумотларидан, шунингдек, муаллиф томонидан амалга оширилган кузатув маълумотларидан ахборот манбаи сифатида фойдаланилди.

Диссертацияда илгари сурилган қоидаларни асослаб бериш учун тизимли ва солиштирма таҳлил, математик статистика ва эконометрик ёндашувлар, эксперт баҳолаш, монографик ва ижтимоий тадқиқот ҳамда бошқа усуллар қўлланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги. Миллий иқтисодий эркинлаштириш жараёнида республикада нефт-газ мажмуасининг барқарорлиги ва раёсбатбардошлилигини таъминловчи корпоратив тузилмаларида бошқарув тизимини такомиллаштириш юзасидан амалий тақлиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

Илмий ишнинг химога тавсия этилаётган асосий жиҳатлари қуйидагилардан иборат:

- ◆ корпоратив тузилмаларни ривожлантириш тенденциялари ҳамда қонуниятларини аниқлаш билан биргаликда шакллантириш ва таснифлаш тамойиллари мажмуаси асослаб берилиб, шу асосда «интеграциялашган корпоратив тузилма» тушунчасининг мазмун-моҳияти очиб берилган;
- ◆ нефт-газ компаниялари стратегик ва инновацион менежментини яратишнинг услубий ёндашувлари ишлаб чиқилиб, бу ёндашувлар ҳолдинг компанияларини ривожлантиришнинг ҳуқуқий асосларини белгилашда, қидириб топилган захираларни қўпайтиришда, улардан янада оқилона фойдаланиш ва уларни қайта ишлаш ҳисобига ўз хом ашё ресурсларидан фойдаланган ҳолда, бошқарув стратегиясини ишлаб чиқишни, компаниянинг ресурслар салоҳиятини динамик ривожлантириш ва ишлаб чиқариш харажатларини камайтириш мақсадида ҳолдингларнинг ташкилий тузилмаларини ўзида мужассам этган;
- ◆ республика нефт-газ корхоналарининг ҳозирги ҳолатини таҳлил қилиш асосида уларнинг инвестиция фаолиятини бошқаришнинг самарадорлигини ошириш йўллари ишлаб чиқилган бўлиб, бу ёзор муносабатлари шароитида нефт-газ тармоғи объектларини ва тармоқ ишлаб чиқаришнинг модернизациялашда инвестиция маблағларидан самарали ҳамда мақсадли фойдаланиш имконини беради;
- ◆ нефт-газ мажмуасини ривожлантиришнинг инновация стратегиясини шакллантириш тамойиллари, стратегик режалаштириш жараёни технологияси ва бу жараённи ташкил қилиш атрафлича асослаб берилган;
- ◆ «Ўзбекнефтгаз» МХК корхоналари фаолият юритиши мақбул вариантларини танлашда фойдаланиладиган ишлаб чиқариш жараёнларини режалаштириш, баъорат қилиш ва бошқариш тизимларининг такомиллашган ахборот модели (нефт-газ қони – ишлаб чиқариш корхоналари – акциядорлик компаниялари – «Ўзбекнефтгаз» миллий ҳолдинг компанияси ёки К-ИЧК-АК-МХК) тақлиф этилган;
- ◆ МХК корхоналарида ресурслар салоҳиятининг таркибий қисмлари ва ишлаб чиқариш жараёнларини самарали бошқариш услубиёти ишлаб чиқилган ва синовдан ўтказилган, бунда қазиб олишни кенгайтирилган ҳолда тақрор ишлаб чиқариш, ташиш-жўнатиш ва ресурсларни ишлаб чиқишнинг иқтисодий, ташкилий ҳамда ишлаб чиқариш захиралари ҳисобга олиниб, шунингдек, нефт-газ компанияларининг экспорт-импорт имкониятларига баҳо берилган;
- ◆ компанияда ички ташкилий-хўжалик механизмни шакллантириш тенденциялари очиб берилган ва «Ўзбекнефтгаз» МХКда бошқарув

тизимлари самарадорлигининг ўсиши билан бирга бошқарувнинг кўп погонали тузилмаларини ташкилий жиҳатдан лойиҳалаштириш алгоритми ишлаб чиқилган;

◆ республика нефт-газ мажмуасида стратегик бошқарув қарорларини қабул қилишга йўналтирилган кадрларни ўқитиш бўйича таълим тизимини шакллантириш механизми таклиф этилган ва меҳнат лаёқатининг иқтисодий самарадорлигига баҳо берилган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти шундаки, унинг асосий қоидалари интеграциялашган корпоратив тузилмаларнинг миллий иқтисодиёт рақобатбардошлигини оширишга таъсир кўрсатишини баҳолаган ҳолда уларнинг ривожлантириш қонуниятларини аниқлаш ва услубий асосларини ишлаб чиқишга хизмат қилади.

Диссертацияда илгари сурилган назарий қоидалар ва услубий ишланмаларни, илмий хулосалар ва мазкур тадқиқот давомида олинган амалий натижаларни келгуси илмий тадқиқотларда фойдаланиш, шунингдек, ўқув жараёнида «Менежмент» йўналиши бўйича маърузалар тайёрлашда қўллаш мақсадга мувофиқдир.

Иқтисодиётнинг реал секторидаги асосий тармоқларни ривожлантириш муаммолари билан шуғулланувчи вазирлик ва идоралар ўз бошқарувини амалга ошириш ҳамда уларни такомиллаштиришда муаллиф томонидан ишлаб чиқилган ёндашувлардан фойдаланиши мумкин.

Натижаларининг жорий қилиниши. Асосий хулоса ва таклифлар Шўртан газ-кимё мажмуаси ресурслар салоҳиятини бошқаришни ривожлантиришнинг иқтисодий-математик ва башорат моделларини ишлаб чиқиш (09.03.2006 йилдаги №504/818 далолатнома), «Ўзбекнефтгаз» МХКда ишлаб чиқаришни ривожлантириш сиёсатини ишлаб чиқишда инновацион стратегияси (20.02.2006 йилдаги №14/1-51 далолатнома), Фарғона вилояти Статистика бошқармаси (27.03.2006 йилдаги №146/02 далолатнома), Фарғона нефтни қайта ишлаш заводи бошқарув тизимида (2006 йилдаги №26/113 далолатнома) ҳамда Муборак газни қайта ишлаш заводи ресурслар салоҳиятини ривожлантиришнинг узок муддатли истиқболлари ва дастурларини ишлаб чиқишда (06.03.2006 йилдаги Р 02/ДХ-1669 №797 далолатнома) ўз аксини топган.

Диссертация материалларидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Фан ва технологиялар марказининг давлат фан-техника дастурларини тайёрлашда (24.02.2006 йилдаги №25/442 далолатнома), шунингдек, Андижон муҳандислик-иқтисодиёт университетида (18.11.2005 йилдаги №11/581 далолатнома) ва Тошкент давлат иқтисодиёт университетида (24.02.2006 йилдаги №42-439 далолатнома) «Менежмент асослари», «Стратегик менежмент», «Инновацион менежмент», «Корпорацияларни бошқариш» ва «Ишлаб чиқариш менежменти» фанларини ўқитишда қўлланилган

Муаллифнинг таклиф ва тавсияларидан EdNET (USAID) Халқаро лойиҳаси доирасида Марказий Осиё республикаларида иқтисодий таълимни ривожлантириш дастурида ҳам фойдаланилган.

Ишнинг синовдан ўтиши. Диссертация ишининг асосий мазмуни ва қоидалари бир қатор илмий-амалий аниқланганларда, хусусан, «Применение

INTERNET в учебном процессе» (Москва–Тошкент, 2002 й.); «Современные компьютерные технологии в экономике, науке и образовании» (Тошкент, 1998 йил); «Иқтисодий йўналишдаги мутахассисларни тайёрлашда халқаро таълим стандартларини қўллаш» (Тошкент, 1995 й.); XVIII, XIX Халқаро Плеханов ўқишларида (Москва, 2005, 2006 йй.); «Business cases in Uzbekistan» халқаро семинарларида (Токио, 2005 й.; Тошкент, 2006 й.); «Иқтисодчи кадрлар тайёрлаш сифатини таъминлашда ахборот-коммуникациялар технологиялари» (Тошкент, 2003й.); «Компьютеризация и обучение проблемы гуманизации и образования в техническом вузе» (Пенза, 2003 й.); «Солиқ органлари кадрларини тайёрлаш тизимидаги таълим жараёнига янги педагогик технологияларни жорий этишнинг илмий асослари» (Тошкент, 2003й.); «Иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида Ўзбекистон Республикаси корхоналари ва ташкилотларида маркетинг тадқиқотларини ташкил этиш масалалари» (Тошкент, 2005 й.); «Иқтисодиётни модернизациялаш ва ислох этиш – барқарор ўсишни таъминлашнинг бош йўли» (Тошкент, 2005 й.) да ёритиб берилган.

Диссертация Андижон муҳандислик-иқтисодиёт институти (10.01.2006 йилдаги 1-сонли мажлис баённомаси), Тошкент Молия институти (18.01.2006 йилдаги 10-сонли мажлис баённомаси), Тошкент автомобиль йўллари институти (23.01.2006 йилдаги 20-сонли мажлис баённомаси) илмий семинарларида, шунингдек, Абу Райҳон Беруний номидаги Тошкент давлат техника университети (02.02.2006 йилдаги 19-сонли мажлис баённомаси) Ихтисослашган кенгаши қошидаги семинарида муҳокама қилинган.

Натижаларнинг эълон қилинганлиги. Диссертациянинг асосий мазмуни тадқиқотчининг жами 49 босма табоқдан ортиқ ҳажмдаги 45 та илмий ишида ўз аксини топган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, бешта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан ташкил топган.

Тадқиқотнинг кириш қисмида мавзунинг долзарблиги, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, мақсади, вазифалари, илмий янгилиги, тадқиқот натижаларининг илмий-услубий асослари, илмий ва амалий аҳамияти, натижаларнинг жорий қилиниши, ишнинг синовдан ўтиши, натижаларнинг эълон қилинганлиги ҳамда ишнинг тузилиши баён этилган.

Биринчи боб «Иқтисодий тизимларнинг трансформация шароитида интеграциялашган корпоратив тузилмаларни ривожлантиришнинг методологик асослари» деб номланиб, унда ўтиш даври мамлакатлари иқтисодиётида интеграциялашган корпоратив тузилмаларни шакллантиришнинг назарий асослари ва тамойиллари, корпоратив бошқарувнинг умумжаҳон ривожланиш тенденциялари ва қонуниятлари, шунингдек, уларнинг асосий шаклларини турларга ажратиш муаммолари илмий тадқиқ этилган.

Иккинчи боб «Корпоратив бошқарувни ривожлантиришнинг замонавий тенденциялари ва Ўзбекистон Республикаси нефт-газ мажмуасида улардан фойдаланиш самарадорлиги» деб номланиб, унда «Ўзбекнефтгаз» МХКда ишлаб чиқариш салоҳиятини ривожлантиришнинг иқтисодий даражаси таҳлил қилинган, бошқарув тармоқ тузилмаларини шакллантиришнинг ўзига хос

хусусиятлари, миллий холдинг компаниясининг ишлаб чиқариш салоҳияти, шунингдек, мамлакат нефт-газ тармоғидаги инвестицион муҳит масалалари ёритилган.

Учинчи боб «Иқтисодийни модернизациялаш шароитида Ўзбекистон Республикаси нефт-газ тармоғини самарали ривожлантириш ва ишлаб чиқариш салоҳиятини бошқаришни ривожлантириш концепцияси» деб номланиб, унда нефт-газ компаниялари ресурслар салоҳиятини бошқаришнинг ривожлантириш концептуал асосларини таҳлил қилишга, нефт-газ компаниялари ишлаб чиқаришни тараққий эттиришнинг бошқарув тизимида инновацион менежментни қўллаш ҳамда мамлакат нефт-газ мажмуасини ривожлантиришнинг устувор йўналишлари стратегиясини ишлаб чиқишга бағишланган.

«Ўзбекнефтгаз» МХК корхоналари бошқарувининг ташкилий тузилмасини ислоҳ қилиш» деб номланган **тўртинчи бобда** корхоналарни бошқариш самарадорлиги, уларнинг молиявий барқарорлиги ва рақобатбардошлик кўрсаткичларини баҳолаш мезонлари ҳамда усуллари кўриб чиқилган, корхоналарни ривожлантиришнинг инновацион ва инвестиция стратегиялари ишлаб чиқилган.

«Ўзбекистон Республикаси нефт-газ тармоғи ишлаб чиқариш салоҳиятини ривожлантириш ва ундан самарали фойдаланиш тизимини моделлаштириш» деб номланган **бешинчи боб** эса мамлакатнинг ресурслар салоҳиятидан самарали фойдаланиш йўналишида миллий холдинг компанияси ишлаб чиқариш салоҳиятини ривожлантиришнинг бошқарув стратегияси моделини ишлаб чиқишга, мамлакат нефт-газ тармоғи корхоналарининг ишлаб чиқариш салоҳиятини ривожлантиришни бошқариш натижаларини баҳолаш услубиёти ҳамда Ўзбекистон Республикаси нефт-газ компаниялари инвестиция манбаларидан самарали фойдаланиш ва уларни бошқариш механизминини ишлаб чиқишга бағишланган.

Хулоса қисмида тадқиқот натижаларидан келиб чиқадиган асосий хулосалар, тақлиф ва тавсиялар баён қилинган.

2. ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Ҳозирги шароитда миллий иқтисодий ижтимоий-иқтисодий самарадорлигини ва рақобатбардошлигини оширишнинг асоси: биринчидан, инновацион-инвестицион капитални ошириб боришдан; иккинчидан, йирик корпоратив тузилмалар салоҳиятидан оқилона фойдаланиш ва уни диверсификациялашдан; учинчидан, табиий ресурслар салоҳиятининг мавжудлиги ва ундан самарали фойдаланишдан, шунингдек, жамиятнинг профессионал-билим даражасидан иборат. Бунда гап корпоратив тамойилларга асосланган корпоратив тузилма, иттифоқ ва уюшмаларни ташкил қилиш хусусидагина эмас, балки «йирик корпорациялар молиявий магнетизми - бу жаҳон иқтисодий муносабатларидаги реаллик» эканлигини ҳисобга олган

¹ Крук М. Современные формы и механизмы корпоративного управления. М.: ИЭ РАН, 2000

ҳолда келажакда мамлакат иқтисодиётининг ўзаги бўлишга қодир йирик корпорацияларни шакллантириш ҳақида бормоқда.

Амалиётда корпоратив бошқарув тоифаларини унинг моҳияти нуктаи назаридан ҳам, ижтимоий-иқтисодий муносабатлар тизимидаги аниқ ўрни ва роли нуктаи назаридан ҳам кенгайтириб талқин қилиш оммавийлашган. Бу ҳолатда муайян кўп қатламли, мураккаб, кўп функционалли ҳодиса мавжуд бўлиб, уни биргина «корпоратив бошқарув» атамаси билангина таърифлаш мумкин эмас¹.

Мазкур илмий ишда кўрсатиб ўтилганидек, турлича ташкилий-тузилмавий шаклдаги корпоратив тузилмалар ижтимоий ва ишлаб чиқариш-молиявий тизимини ўзида ифода этади. Бу тизим юқори динамикага эга бўлиб, қуйидаги асосий тамойиллар негизда ривожланади:

- ◆ муайян корпоратив ташкилот доирасида мулкка эгаллик қилишнинг тенг ҳуқуқий имкониятлари учун шароит яратиш;
- ◆ бизнес фаолияти жараёнида ўзаро таъсир усулларини эркин танлаш;
- ◆ бизнеснинг айрим қатнашчилари манфаатларини корпоратив ташкилот манфаатлари бирлиги орқали амалга ошириш;
- ◆ капитални диверсификациялаш вариантларини топишда намоён бўлувчи ўзаро манфаатларни сақлаб қолган ҳолда молиявий ишбилармонлик;
- ◆ интеграциялашган корпоратив тизимлар доирасида молиявий-ишлаб чиқариш механизмларини бирлаштириш;
- ◆ ўзаро манфаатлар йўлида бизнесни интеграциялашнинг мультипликатор самараларини ҳаётга татбиқ этиш.

Тадқиқотчининг фикрича, умуман иқтисодиётда шаклланаётган корпоратив бошқарув ва бизнес моделининг аҳамияти бир қатор омилларга, жумладан, қуйидагиларга асосланади:

- ◆ корпорацияда мулк ҳуқуқи тизимининг оптимал ташкил этилиши таркибий қайта тузиш ва самарадорликни ошириш учун манба бўлиб хизмат қилади;
- ◆ корпорацияда тарихан шаклланувчи мулк тақсимоли тузилмаси, у корпоратив бошқарувнинг маълум бир ўзига хос миллий моделини ва шунга мувофиқ давлат томонидан тартибга солиш модели ва муайян қонунчилик концепцияларини аниқлаб беради;
- ◆ корпоратив бошқарувнинг «очик» модели барча турдаги инвесторлар (акциядорлар, кредиторлар) ҳуқуқлари ҳимон қилингани учун бу модел энг кам даражада инвестицияларни жалб қилишнинг муҳим шартларидан бири ҳисобланади;
- ◆ корпоратив бошқарув модели қимматли қоғозлар бозори ривожланиши билан ўзаро боғлиқ ҳолда шаклланади ва давлат томонидан тартибга солинади;

¹ Ансофф И. Стратегическое управление. М.: Экономика, 1989; Вислав Ю. Становление отечественного корпоративного управления. // Российский экономический журнал, 2001 №2; Беркниев Б. Корпоративные структуры. Т.: Издательство национальной библиотеки, 2005.

- ◆ корпоратив бошқарув модели бозор иқтисодиётининг муайян шакллари орқали фаолият юритади ва корпорацияларни ташкил этиш ҳамда молиялаштириш ва цақлларидаги фарқни, саноат тармоқлари тузилмасини, тадбиркорлар ва ёлланма ходимлар ўртасидаги ўзаро муносабатларни белгилаб беради;
- ◆ корпоратив бошқарув модели иқтисодий ўсишнинг асосий институционал таркибий қисмларидан бири ҳисобланади.

Мазкур илмий ишда Ўзбекистонда корпоратив тузилмалар ташкилий-тузилмавий ўзгаришлар босқичида эканлиги асослаб берилган. Бу ўзгаришлар, биринчидан, компаниялар барқарорлиги ва мувозанатининг ички ташкилий омилларини кучайтиришга, интеграцион шакллarning турли хилларини ташкил этишга хизмат қилувчи миллий манфаатларни бизнес таркибига жалб этишнинг самарали ташкилий шакл ва механизмларини, иккинчидан, корпоратив ташкилотларнинг самарали ва фаол интеграциялашган ташкилий шаклларини излашга мажбур қилувчи глобаллашув жараёнлари таъсири остида фаол динамик тарзда трансакция харажатларини камайитиришга хизмат қилувчи омилларни кучайтириш билан боғлиқ.

Тадқиқот натижалари кўрсатишича, корпоратив тузилмалари фаолиятининг жаҳон тажрибаси ўз тараққиётида бир қанча босқичдан ўтган бўлиб, уларнинг асосийларига қуйидагилар киради:

- ◆ тармоқ корпорацияларини ривожлантирган ҳолда горизонтал интеграциялашуви;
- ◆ ягона технологик занжирни таъминловчи турли тармоқ корпорацияларининг вертикал интеграциялашуви;
- ◆ бошқарувни марказлаштирилмаган кўп тармоқли корпорациялар диверсификацияси.

У ёки бу мамлакатнинг корпорацияни бошқариш тизими муайян бир таъсирга ва ўзига хос миллий жиҳатга эга. Шунга қарамай, корпоратив бошқарувнинг кўпгина омиллари корпоратив бошқарув тизимига турли хилда таъсир кўрсатади. Бу ҳолат маълум бир таркибий қисмларни ўзига қамраб олувчи корпоратив бошқарув модели ёрдамида ишлашни тақозо қилади.

Юқорида билдирилган фикр ва мулоҳазалардан аён бўлдики, санаб ўтилган унсурларнинг аниқ намоён бўлишидаги умумий белгилар бўйича акциядорлик жамиятларини бошқаришнинг Англия-Америка, Германия ва Япония моделларини ажратиб кўрсатиш мумкин (1-жадвал).

Тадқиқотчи фикрига кўра, корпоратив бошқарувнинг ифодаланган таркиблари бир-бирини инкор этмайди. Дунёнинг етакчи мамлакатларида уларнинг биргалиқда мавжудлиги шуни тасдиқлайдики, бирон-бир модел, биринчидан, бошқа моделга нисбатан яққол устунликка эга эмас, иккинчидан, миллий иқтисодиётлар учун умумий ҳам ҳисобланмайди. Бундан ташқари, ўтган даври иқтисодий тизимлари соҳасининг етакчи мутахассислари корпоратив бошқарувнинг турли моделлари айрим таркибий қисмларини уйғунлаштириш мумкинлигига ишора қилади. Бу ҳолатда корпоратив бошқарувнинг у ёки бу воситасини жорий қилишнинг иқтисодий ўсишга

эришишга таъсир кўрсатиш даражаси мезон бўлиб хизмат қилади.

1-жадвал

Корпоратив бошқарувнинг хорижий моделлари¹

Англия-Америка модели	Германия модели	Япония модели
<i>1. Тарқалиш кўлами</i>		
АҚШ, Буюк Британия, Канада, Австралия, Янги Зеландия	Германия, Австрия, Нидерландия, Скандинавия, Бельгия, Франция	Япония
<i>2. Асосий хусусиятлар</i>		
Якка ва мустақил акциядорларнинг кенг вакиллиги	Корпоратив бошқарувнинг барча бўғинларида банкларнинг вакилликда ва назоратда асосий рол ўйнаши	Банк ва корпорациялараро назорат ва вакилликка асосий эътибор
<i>3. Моделни амалга ошириш қатнашчилари</i>		
- Акциядорлар - Бошқарувчилар - Директорлар кенгаши Эгаллик қилиш ва назорат таксимоти даражаси ҳажми.	- Банк - Бошқарма - Кузатув кенгаши Корпорация ходимларининг кенг вакиллиги	- Банк - Аффiliationланган корпоратив акциядорлар - Бошқарма - Ҳукумат
<i>4. Акцияларга эгаллик тузилмаси</i>		
Якка ва институционал инвесторларнинг устунлиги	Банклар ва корпорациялар устунлиги. Институционал агентлар ва якка инвесторлар.	Аффiliationланган банк за корпорацияларнинг мутлақ устунлиги. Ташқи акциядорлар вакиллиги
<i>5. Фаолият мониторинги</i>		
Бозор мониторинги	Банк мониторинги	Банк ва корпорациялараро мониторинги
<i>6. Молиялаштириш</i>		
Масофали- (хабардор бўлмаган, кузатилмаган) қимматли қоғозлар бозори орқали	Назоратга йўналтирилган (ифодаланган, кузатилган, хабардор) – инвестицион қарорлар қабул қилишни назарат қилиш асосида	

Манба: Тадқиқотлар асосида муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

Шу сабабли корпоратив бошқарув тушунчасининг талқин қилинишига эътибор қаратиш лозим. Бизнингча, у кенг маънода корпоратив ҳуқуқни белгилаб олиш билан яқин бўлиши зарур ва корпоратив бошқарув объектини кенгайтириш қисми тўлдирилиши лозим: ҳўжалик юритувчи жамиятни бошқаришни рационаллаштириш аъзо бўлмаган ташкилотлардан (масалан, баъзи ҳолларда маълум бир функцияларни мухтор нотижорат ташкилот мақомига эга бўлган тузилмаларга бериш мақсадга мувофиқ) ҳам, ҳақ-ҳуқуқлилиқ субъекти бўлмаган ташкилий тузилмалардан (филиаллар, қелишилган сиёсатни юргизувчи юридик шахслар гуруҳлари) ҳам

¹ Бандурин А.В. Деятельность корпораций. М.: Инфра, 1999; Яновская О.А. Формирование и развитие интегрированных корпоративных структур в Казахстане. Алматы: Экономика, 2000; Хошимов А.А. Корпоратив бошқарув шаклидаги тузилмаларнинг ривожланиш истиқболлари. Т.: Фан, 2003.

фойдаланишни такосо қилиши мумкин.


Хуллас, корпоратив бошқарув - бу бизнесни ташкилий-ҳуқуқий расмийлаштирган ҳолда бошқариш, ташкилий тузилмаларни мақбуллаштириш, белгиланган мақсадларга мувофиқ компанияларнинг ички ва фирмалараро муносабатларини йўлга қўйишдир.

Шунинг учун диссертация ишида корхоналар фаолиятини бошқариш усуллари ва тамойилларини ўрганиш ҳамда корхоналарни ривожлантириш стратегиясига тизимли ёндашувга катта эътибор қаратилди. Тадқиқот кўрсатишича, корхонанинг ички ва ташқи муҳитини бир-биридан ажратиш муҳимдир. Агар корхонанинг мақсад ва вазифалари, тузилмаси, ходимлари, технологиялари кўп жиҳатдан ўз фаолиятига боғлиқ бўлса, иктисодий, ижтимоий ва ресурслар салоҳияти (ишчи кучи, табиат ресурслари, ҳудудий жойлашуви, инфратузилма) корхонанинг ташқи муҳитини ташкил қилади. Корхоналар, фирма ва компаниялар айнан шундай кўп омилли муҳитда пайдо бўлади, ривожланади, муваффақиятга эришади ёки ўз фаолиятини тўхтатади. Ушбу тамойиллар асосида ишлаб чиқариш, нефт-газ конларини кидирув, бошқарув, иктисодий, ҳуқуқий, ижтимоий, ахборот тизимлари аниқлаб олинади.

Умуман диссертация ишида корпоратив менежмент модели ташқи қайтувчан алоқага эга ташкилий очиқ тизим кўринишида акс эттирилган бўлиб, бу моделнинг объекти сифатида корпоратив тизим стратегиясини режалаштириш ва шакллантириш, унинг ташкилий қурилиш жараёнлари кўриб чиқилган (1-қизма).

Муаллиф фикрича, корпоратив тузилмалар ривожланишининг ҳозирги қонуниятлари қуйидагилардан иборат:

- ◆ капиталнинг марказлашуви (бирлашиш, стратегик бирлашмалар тузиш);
- ◆ фаолиятнинг глобаллашуви (энг нуфузли хорижий бозорларда шубҳа бўлинмалар тузиш, товар ва хизматларни тарқатиш);
- ◆ капиталнинг байналминаллашуви (транснационал компанияларнинг ўсиши, қайси мамлакатдан келиб чиққанидан катъий назар арзонроқ инвестицияларни жалб этиш);
- ◆ саноат ва молия капитали интеграцияси;
- ◆ фаолият шакллари ва йўналишлари диверсификацияси;
- ◆ алоқани таъминлаш, бошқарув ва ҳисоб-китоб-тўлов воситаларининг янги турларини ҳамда муҳитини яратиш учун замонавий ахборот технологияларидан фойдаланиш;
- ◆ миллий бозорларни (капитал, товар, хизматлар, меҳнат) тартибга солиш бўйича халқаро стандартлар талабларини инобатга олиш.



Маъба: Тадқиқотлар асосида муаллиф томонидан тузилган 1-чизма. Корпоратив менежментнинг ташкилий тузилмаси

Ўзбекистонда корхоналарни хусусийлаштириш ва давлат тасарруфидан чиқариш жараёнлари бошланиши билан корпоратив бошқарув муаммоси айниқса, долзарб аҳамият касб этди. Натижада турли хил акциядорлик жамиятларининг вужудга келиши кенг тус олди (2-жадвал).

2-жадвал

**Давлат корхоналарини хусусийлаштиришнинг
асосий кўрсаткичлари динамикаси**

№	Кўрсаткичлар	Бир-лик	2000	2001	2002	2003	2004
1	Хусусийлаштирилган объектлар сони	дона	374	1449	1912	1519	1228
2	Акциядорлик жамиятларига айлантирилди	дона	152	227	223	75	28
3	МЧЖга айлантирилди	дона	163	827	1252	981	136
4	Хусусий мулк килиб сотилди	дона	117	184	325	396	1038
5	Хусусийлаштиришдан келиб тушган маблаг	млрд. сўм	14,3	23,2	43,6	56,1	78,4

Манба: Ўзбекистон Республикаси Давлат Мулк кўмитаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган.

Бундан келиб чиқадики, интеграциялашган корпоратив тузилмаларнинг шаклланиши ўзига хос қизиқиш уйғотади. Ўз ривожланиш қонуниятларига эга бўлган холдинг компаниялари шундай шаклларида биридир. Ўзбекистонда холдинг компанияларининг шаклланиши уларнинг таркибига кирувчи корхоналар ўртасида геологик ва кооператив алоқаларни сақлаб қолиш мақсадида корхоналарни хусусийлаштириш ва давлат тасарруфидан чиқариш ҳамда бошқарув тузилмаларини қайта ташкил қилиш жараёнлари доирасида рўй бермоқда.

Тадқиқотчи фикрича, МДХ мамлакатларида фаолият юритаётган холдинг компаниялари тажрибаси вертикал ва горизонтал интеграцияни самарали амалга оширувчи кўп тармоқли компанияларнинг ташкил топиши билан бирга у талай камчиликларга ҳам эгалигидан далолат беради. Диссертация ишида холдингларнинг асосий мақсадлари, ютуқ ва камчиликларини бир тизимга келтирилган ва у 3-жадвалда ўз аксини топган.

Институционал муҳит углеводород хом ашёсини казиб олиш ва қайта ишлашнинг ўзаро боғлиқ босқичлари ўртасидаги бозор трансакциялари билан биргаликда нефт-газ тармоғи доирасида вертикал интеграциялашган компанияларнинг кенг тарқалишига шароит яратди. Шунингдек, бу кўп жihatдан тегишли минтақавий ва жаҳон бозорларининг монополияга интилиши, йирик компанияларнинг майда компаниялардан устунлиги, бир вақтнинг ўзида катта инвестицияларни талаб этувчи ўзлаштирилмаган ва бориш қийин бўлган ҳудудлардаги янги конларни кенг миқёсда жалб этиш билан боғлиқдир.

Холдингларнинг асосий мақсадлари, ютуқ ва камчиликлари

Холдингларнинг мақсадли йўналиши	Холдинг тузилмалари ютуқлари	Қийинчиликлар ва камчиликлар
1. Корпоратив шакл асосида ишлаб чиқариш қувватларини жамлаштириш 2. Холдинг нуктаи назардан айрим корхоналар фойда ва зарарини ҳисобга олиш бўйича операцияларни самарали ўтказиш учун солиқ ҳисоботларини бирлаштириш 3. Бизнесни ва иш фаолияти соҳаларини ишлаб чиқаришнинг бошқа бозор сегментлари билан кенгайтириш 4. Ягона иқтисодий ва технологик сиёсатни амалга ошириш 5. Ягона самарали назоратни таъминлаш 6. Ишлаб чиқаришни диверсификациялаш ҳаражани фаоллаштириш	1. Молиявий-иқтисодий тартибга солишнинг ва ҳисоботларнинг марказлашуви 2. Молия ресурсларининг ўсиб бораётган ҳажми билан самарали ҳаракат қилиш 3. Бозор конъюнктураси қийинчиликларига бардош бериш 4. Шартнома қарорлари самарадорлиги 5. Йирик лойиҳаларга давлат маблағларини инвестицион жалб этиш имконияти	1. Иқтисодиётда монопол тенденцияларнинг кучайиши 2. Шуъба корхоналар маблағларидан марказлашган тарзда фойдаланишга ҳаракат қилиш 3. Мураккаб холдинг тузилмасида солиқлардан қочиш 4. Бошқарувни бюрократлаштириш хавфи 5. Ўрнатилган алоқаларни бузувчи марказдан қочиш тенденциялари пайдо бўлиши мумкинлиги 6. Кадрлар таъминоти ва ходимларни бошқариш билан боғлиқ қийинчиликлар 7. Тадбиркорлик фаоллигининг пасайиши

Манба: Тадқиқотлар асосида муаллиф томонидан тузилган.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармони ва Республика Вазирлар Маҳкамаси Қарори билан 1992 йилда илгари тарқок ҳолда бўлган нефт-газ, нефтни қайта ишлаш ва бошқа тармоқлар фаолиятини мувофиқлаштириш ҳамда уларни ягона ишлаб чиқариш мажмуасига бирлаштириш мақсадида нефт-газ қудуқларини ишга туширишдан тортиб, тайёр маҳсулотни сотишгача бўлган узлуксиз фаолиятнинг ҳар бир қиррасини ўзaro боғлаб турувчи «Ўзбекнефтгаз» концерни ташкил этилиб, кейинчалик нефт-газ саноати миллий корпорациясига айлантирилди. Нефт-газ саноати тузилмаси 1992-1998 йилларда тармоқ корхоналари фаолиятини мувофиқлаштирувчи ва назорат қилувчи давлат ишлаб чиқариш ва илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаларидан иборат эди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1998 йил 11 декабрдаги ПФ-2154 сонли Фармони ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг тегишли қарорига мувофиқ «Ўзбекнефтгаз» корпорацияси «Ўзбекнефтгаз» миллий холдинг компаниясига айлантирилди. Ушбу ўзгаришлардан асосий мақсад республика нефт-газ саноатида бозор муносабатларини чуқурлаштиришдир. Бу эса чет эл инвестицияларини жалб этиш бўйича ишларни фаоллаштириш учун кенг имкониятлар очади.

«Ўзбекнефтгаз» МХК умумий бошқаруви Ўзбекистон Республикасининг «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш


тўғрисида»ги, «Корхоналар тўғрисида»ги, «Қимматли қоғозлар ва фонд бозори тўғрисида»ги, «Товар бозорларида монополистик фаолиятни чеклаш ва рақобат тўғрисида»ги Қонунлари, «Холдинг тўғрисида»ги Низом ҳамда мамлакатнинг бошқа қонун ҳужжатларига асосан амалга оширилади. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Нефт ва газ қонларини разведка қилиш ҳамда уларни казиб чиқаришга бевосита хорижий сармоядорларни жалб этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги (2000 йил 28 апрел), «Ўзбекистон иқтисодиётида хусусий секторни улуши ва аҳамиятини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги (2003 йил 24 январ), «Республика Давлат Бошқарув органлари тизимини такомиллаштириш тўғрисида»ги (2003 йил 9 декабр), «Хўжалик бошқаруви органлари тизимини такомиллаштириш тўғрисида»ги (2003 йил 22 декабр) Фармонлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «2005-2006 йилларда корхоналарни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш Дастури тўғрисида»ги (2003 йил 14 март), «Хусусийлаштирилган корхоналарда корпоратив бошқарувни такомиллаштириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида»ги (2003 йил 19 апрел) қарорлари ҳам корпоратив тузилмаларни ривожлантиришга муносиб ҳисса қўшиб, уларнинг иқтисодий, ташкилий-ҳуқуқий асосларини белгилаб берган.

Диссертация ишида таъкидланишича, Ўзбекистоннинг нефт-газ тармоғида йирик интеграциялашган корпоратив тузилмаларнинг шаклланиши қуйидаги сабаблар билан изоҳланади: 1) йирик инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш учун хўжалик субъектларининг имкониятлари етарли бўлишлигини кафолатлаш; 2) юзага келган ишлаб чиқариш-технологик алоқаларни сақлаб қолиш; 3) жаҳон бозорларида рақобатбардошлик нуктаи назаридан маҳаллий бизнесни қулай бошланғич шарт-шароитлар билан таъминлаш; 4) кўриб чиқилаётган компаниянинг бошқарувчанлигига эришиш.

Тадқиқот кўрсатишича, бошқарувнинг ташкилий тузилмасига ўзгаришлар киритиш жараёни қуйидагиларни кўзда тутиши керак:

- ◆ муаммоли ҳудудларни аниқлаш мақсадида ташкилотнинг фаолият юритиши ва ташкилий тузилмани такомиллаштириш стратегиясини ишлаб чиқиш муҳитини тизимли тарзда таҳлил қилиш. Таҳлил иқтисодий фаолиятнинг бошқа соҳаси вакили бўлган рақобатчи ёки турдош ташкилотларни таққослашга асосланиши мумкин;
- ◆ янгиланган киритиш дастури режалаштирилган ўзгаришларни амалга ошириш бўйича максимал даражада оддий ва аниқ тақлифлардан иборат бўлиши;
- ◆ ходимларнинг профессионал хабардорлик даражаси ўсишини рағбатлантириш, бу уларнинг кўзда тутилган ўзгаришларга алоқадорлигини баҳолаш ва ўз навбатида масъулиятини оширишга имкон беради.

Диссертация ишида мавжуд шарт-шароитларни умумлаштирилганини ҳиссба олган ҳолда «Ўзбекнефтгаз» МХК ривожланиш стратегиясини шакллантириш жараёни бўйича тадқиқотларнинг асосий босқичлари тақлиф этилган (2-чизма).



Манба: Тадқиқотлар асосида муаллиф томонидан тузилган.

2-чизма. «Ўзбекнефтгаз» МХК режалаштириш стратегиясини шакллантириш жараёни бўйича тадқиқотнинг асосий босқичлари

«Ўзбекнефтгаз» МХК тузилмаси вертикал интеграциялашган уч поғонали холдинг компанияси шаклида тузилган бўлиб, унинг корхоналари нефт-газ тармоғи билан боғлиқ барча фаолият турларини амалга оширади. Ҳукуматнинг бир қатор қарорлари билан компаниянинг ташкилий тузилмаси ва ижроия аппарати таркиби ўзгартирилди. Бу тадбирлар натижасида айрим ортиқча бўғинлар ҳамда рентабеллиги паст бўлган нефт омборлари ва уларнинг филиаллари тугатилди. Шу билан бирга нефт-газ корхоналарида тузилмавий ўзгаришларнинг боришига тўсқинлик қилувчи бир қанча муаммолар ҳам мавжуд. Диссертацияда қилинган таҳлил кўрсатишича, бу аввало, хўжалик фаолияти ва тартибга солиш функцияларини бирга қўшиб олиб боришдир. Бугунги кунда «Ўзбекнефтгаз» МХК бир томондан худудларга лицензия бериш бўйича тадбирларни амалга оширмоқда, иккинчи томондан эса хўжалик субъекти бўлгани ҳолда нефт-газ операцияларини амалда бажариш билан шуғулланмоқда.

Инвестицион молиявий ресурсларни бирлаштириш ва молиявий жиҳатдан мустақилликнинг йўқлиги холдинг таркибига қирувчи корхоналарнинг инвестиция фаолияти бўйича қарорлар қабул қилишда боғлиқлигини сезиларли даражада кучайтирмоқда. Компания кўплаб ёрдамчи корхоналарни бирлаштириб турибди (131 та корхонадан 70 таси ёрдамчи корхона ҳисобланади). Тармоқда рақобатнинг йўқлиги ва корхоналарнинг ташқи омилларга буткул боғлиқлиги улар фаолияти самарасининг пасайишига олиб келади. Нефт-газ тармоғи инвестицияларни жалб этиш учун энг жозибали соҳа бўлсада, бироқ «Ўзбекнефтгаз» МХК акциялари ҳалигача тўлиқ сотилмаган.

Диссертация ишида «Ўзбекнефтгаз» МХКда самарали боғлқарув тузилмасини яратиш мақсадида қуйидагилар таклиф қилинади:

Тижорат функцияларини қолдирган ҳолда «Ўзбекнефтгаз» МХК таркибий қайта тузилишини давом эттириш. Нефт-газ тармоғини тартибга солиш функциялари (нархни шакллантириш, лицензиялаш масалалари ва


меъёрий қондаларни ишлаб чиқиш)ни холдинг акциялари пакетига эгалик қилиш ёки уларни бошқариш ҳуқуқига эга бўлмаган давлат органларига топшириш. Бунда оралик, яъни иккинчи бўғинни тугатиш ҳисобига уч поғонали тизимдан тобора мослашувчан икки поғонали холдинг компаниясини шакллантириш;

- ◆ «Ўзтрансгаз» АКни харидор-сотувчидан соф транспорт компаниясига айлантириш орқали унинг корхоналарини қайта тузиб чиқишни амалга ошириш, бу газ қазиб чиқаришдан токи уни сўнгги истеъмолчига етказиб бергунча бўлган ораликдаги ортикча босқичларни йўқ қилиш имконини беради;
- ◆ мустақил фаолият юритиши мумкин бўлган бир қатор корхоналарни «Ўзбекнефтьгаз» МХК таркибидан чиқариш. Энг аввало бу геология ва кидирув тармоғидаги ташкилотларга тааллуқли. Ушбу босқичда мустақил «Ўзгеокидирув» компаниясини ташкил қилиш ва рақобатлашувчи тузилмалар учун бозорни очиш мумкин;
- ◆ ўз фаолиятини қурилиш, машинасозлик соҳаларида олиб боровчи ёрдамчи (сервис) корхоналарни «Ўзбекнефтьгаз» МХК таркибидан чиқариш ва кейинроқ уларнинг акция ва мулкларини хусусий мулк қилиб сотиш.


Юқоридагиларни ҳисобга олган ҳолда, «Ўзбекнефтьгаз» МХК бошқарувининг такомиллаштирилган тузилмасини ишлаб чиқиб таклиф этилди (3-чизма). Таклиф қилинаётган «Ўзбекнефтьгаз» МХК бошқаруви ташкилий тузилмаси рақобат муносабатларини жорий қилиш ва компаниянинг бошқарувчанлик самарадорлигини ошириш имконини беради.

Хорижий инвестор-компаниялар билан ўзаро таъсирнинг юридик ва иқтисодий механизмларини яратиш мақсадида «Маҳсулот таксимоти бўйича келишув тўғрисида»ги (2001 йил декабр) ва «Ер ости қазилма бойликлари тўғрисида»ги (янги таҳрир, 2002 йил декабр) қонунлар қабул қилинди. Жаҳон амалиётида қўлланувчи хорижий компаниялар билан қўшма фаолият натижалари бўйича маҳсулотларни таксимлаб олиш тамойилларига асосланган халқаро ҳамкорлик шакллари ана шу қонунлар билан тартибга солиб борилади. Тармоқда «2002-2010 йилларда нефть-газ саноатини ривожлантириш концепцияси» ишлаб чиқилган бўлиб, унда геология-кидирув ишларини қучайтиришга, углеводород хом ашёси қазиб олишни кўпайтириш, нефть ва газни қайта ишлаш тизимини ривожлантиришга, газ ташишга йўналтирилган асосий стратегик қарорлар белгилаб берилган. Концептуал қарорлар республикадаги истеъмолчиларни ёқилғи-энергетика ресурслари билан ишончли таъминлашга ҳамда нефть-газ тармоғи маҳсулотлари экспортини сезиларли оширишга қаратилган (4- чизма).

Таҳлиллар кўрсатишича, ҳозирги пайтда Ўзбекистонда қазиб чиқарилаётган табиий газнинг қарийб 85 % идан иқтисодиёт тармоқлари ва аҳоли фойдаланмоқда, 15 % дан зиёди эса экспорт қилинмоқда. Нефть-газ конденсати қазиб чиқаришнинг йиллик умумий ҳажмини келгусида 8-10 млн. тонна миқдориди барқарор ушлаб туриш кутилмоқда. Бу эса республикадаги истеъмолчиларни нефтни қайта ишлаш маҳсулотлари билан тўлиқ таъминлайди ва экспорт салоҳиятини оширади.



Манба: муавлиф томонидан тузилган 3-чизма. Таклиф этилаётган «Ўзбекнефтгаз» МХК бошқаруви ташкилий тузилмаси.



Манба: «Ўзбекнефтгаз» МХК маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган 4-чизма. **Нефт-газ конденсати қазиб чиқариш динамикаси**

Нефтни қайта ишлаш саноати «Ўзбекнефтгаз» МХК маҳсулотлари экспорти умумий динамикасини шакллантиришда муҳим роль ўйнайди. 1995 йилдан 2004 йилгача бўлган даврда нефтни қайта ишлаш маҳсулотлари экспорти 1,34 баравар ўсди. Бухоро нефтни қайта ишлаш заводининг қурилиши, шунингдек, Фарғона ва Олтиариқ нефтни қайта ишлаш заводларининг таъмирланиши туфайли республика йилига 11,2 млн. тонна нефтни қайта ишлашни таъминловчи ишлаб чиқариш қувватларига эга бўлди. Мамлакатда йилига 1,5 млн. тонна автомобил бензини, 1,7 млн. тонна дизел ёқилғиси ишлаб чиқарилмоқда¹.

Нефт-газ захираларига, шунингдек, бошқа фойдали қазилмаларга бой бўлган Ўзбекистон улардан оқилона ва комплекс фойдаланишга интиломоқда. Айнаси шу сабабли моддий (инсон яратган барча ишлаб чиқариш воситалари), меҳнат (меҳнатга лаёқатли аҳоли) ва табиий (ишлаб чиқаришда фойдаланиш учун яроқли бўлган табиий хом ашё) ресурсларни кенгайтирилган тарзда тақрир ишлаб чиқаришнинг ишлаб чиқариш салоҳияти тузилмаларини такомиллаштиришдаги родини аниқлаш энг муҳим илмий ва амалий вазифалардан бири ҳисобланади.

Ўзбекистон нефтни қайта ишлашда юқори технологиялардан фойдаланган ҳолда тараққиётнинг экстенсив йўлидан интенсив йўлига ўтиб бормоқда. 2001 йилда Шўртан газ-кимё мажмуасининг ишга туширилиши билан нафақат Ўзбекистон, балки бутун Марказий Осиё минтақаси учун янги тармоқ ривожланишига асос солинди. Асосий маҳсулот – полиэтилен ишлаб чиқариш билан бирга бу ерда криоген технологияни жорий қилиш ҳисобига пропан-бутан фракциясини чиқариш йўлга қўйилди. Бу эса республикада

¹ Стратегия развития промышленности Узбекистана до 2010 года./Под рук. Мунинова Д.А. –Ташкент, 2005, с.8.

суюлтирилган газ ишлаб чиқариш ҳажмини икки баравардан зиёд оширишга имкон берди.

Диссертация ишида инновацион стратегияларни шакллантириш тамойилларини ишлаб чиқиш асосида янгиликлар пайдо бўлишининг дастлабки сабаби ва уларнинг турлари, инновацион стратегия янгиликларининг шакли ва микёслари, қайси тармоққа мансублиги ва инновация самарадорлигига йўналтириш каби турли белгилар бўйича янгиликлар киритиш тасниф қилиб олинди.

Кичик корхоналардан фарқи равишда «Ўзбекнефтгаз» МХК каби йирик монополиялар асосий, стратегик инновацияларни ўзлаштириш учун моддий ва молиявий имкониятга эга. Катта маблағга эга бўлган ва ўз кўлами самарасидан фойдаланган ҳолда йирик корпоратив корхона sanoat салоҳиятини бошқаришда прогрессив силжишларга эришиш учун устувор аҳамият касб этувчи стратегик технологияларни ўзлаштиришга қодир.

Тадқиқот натижалари шуни кўрсатадики, нефт-газ тармоғида sanoat салоҳиятини бошқаришни кучайтириш бўйича инновацион тадбирларнинг самарали тизимини шакллантириш имконияти қуйидаги омилларга боғлиқ:

- ◆ ишлаб чиқариш ривожланишининг шаклланган даражаси;
- ◆ ҳолнинг инновацион салоҳияти механизмнинг ҳолати;
- ◆ объектнинг инновацион салоҳиятини ривожлантириш даражаси;
- ◆ бошқарув ташкилий тузилмасининг тури ва йўналиши;
- ◆ ҳўжалик юритиш сиёсатининг ва инновацион сиёсатнинг тенденциялари;
- ◆ турли ўзгаришларга эҳтиёжни тушуниш ва ходимларнинг бу ўзгаришларга тайёрлиги ва ҳақсо.

Шуни қайд этиш жоизки, бу омиллар уларнинг аҳамиятини камайтириш тартибида жойлашган эмас. Зеро, уларнинг айримлари муайян вазифаларни бажаришда тенг кучга эга. Қолаверса, ўзгаришларга эҳтиёжни тушуниш ва уларга тайёрлик каби омиллар аксарият вазиятларда белгилаб берувчи ҳисобланади.

Диссертация тадқиқотлари натижалари бўйича инновацион стратегияни ишлаб чиқиш жараёнига асосий талаблар асослаб берилган. Корпоратив тузилмалар фаслияти деярли чекланмаганлигини ҳисобга олиб, мазкур илмий ишда инновацион стратегияларнинг консерватив, пассив ва актив турлари тақлиф этилган.

Мазкур илмий ишда инновацион менежментни такомиллаштиришнинг асосий йўналишлари сифатида қуйидагилар тақлиф этилган:

- ◆ давлат инновацион сиёсатини кенгайтириш;
- ◆ давлат иштирокида венчур жамғармасини барпо этиш;
- ◆ молиявий лизингни жорий этиш;
- ◆ инновацион тузилмаларга ўтиш;
- ◆ инновация ва инвестиция капиталини бирлаштириш.

«Ўзбекнефтгаз» МХК ишлаб чиқариш салоҳияти тузилмаларини янада такомиллаштириш, унинг барқарорлигини ва мувозанатланган истикболли

ривожланишини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси 2003 йил 21 октябрда ««Ўзбекнефтгаз» МХК бошқарув тузилмасини такомиллаштириш тўғрисида»ги 460-сонли қарорни қабул қилди. Унда республика нефт-газ тармоғи бошқарув тузилмаларини янада такомиллаштириш, унинг барқарорлигини ва мувозанатланган истиқболли ривожланишини таъминлаш, газ ва нефт маҳсулотларини геология-қидирув, казиб олиш, ташиш-жўнатиш, қайта ишлаш ва сотиш соҳаларидаги фаолиятнинг мувофиқлик даражасини ошириш, тармоққа чет эл инвестицияларини кенг жалб қилиш ва шу асосда экспорт салоҳиятини кенгайтириш, республика аҳолиси ва иқтисодиёт тармоқларини нефтни қайта ишлаш маҳсулотлари билан барқарор таъминлаш бўйича чора-тадбирлар кўзда тутилган.

Ўзбекистонда нефт-газ казиб чиқарувчи барча корхоналар ягона ишлаб чиқариш жараёнлари тизимини (кон – ишлаб чиқариш корхонаси -- акциядорлик компанияси – «Ўзбекнефтгаз» миллий холдинг компанияси ёки К-ИЧК-АК-МХК) ҳосил қилгани сабабли, тадқиқотчининг фикрича, тизимли ёндашув усулини қўллаш корхона менежментига асосланган қарорларни қабул қилишга ва МХКни ташқи муҳит билан уйғун боғлиқ бўлган корхона ҳамда таркибий бўлинмалар билан бир бутунликда қўришга ёрдам беради. Бу ҳолатда бошқарув функцияси «К-ИЧК-АК-МХК» яхлит тизими олдига қўйилган мақсадларга эришиш учун зарур барча фаолият турлари интеграцияси сифатида кўриб чиқилади.

Тадқиқотчи фикрича, «К-ИЧК-АК-МХК» асосий ишлаб чиқаришни бошқаришнинг ягона тизими самарали фаолият кўрсатиши учун қуйидаги ўзаро боғлиқ бўлган вазифалар ҳал этилиши лозим:


- ◆ мавжуд ва ишлаб турган кудуқлар фондининг техник ҳолати ва тавсифларини ҳисобга олиш, аниқлаш ва таҳлил қилиш. «Кудуқлар фондининг техник тавсифномалари» маълумотлар тўпламини тузиш ва жорий этиш;
- ◆ маълумотларнинг ягона меъёрий-маълумот базасини яратиш (моддий, меҳнат, энергетика, молиявий ва бошқа харажатларни меъёрлаштириш);
- ◆ нефт-газ саноати корхоналари ва таркибий бўлинмаларининг ишлаб чиқариш куввати;
- ◆ «К-ИЧК-АК-МХК» тизими корхоналари ҳисоб-китоб қилинган ишлаб чиқариш қувватларига боғлиқ истиқболлар.

«Ўзбекнефтгаз» МХК хом ашё базасининг айти пайтдаги ҳолати қуйидаги маълумотлар билан тавсифланади: углеводород хом ашёси қони жами - 190 та, шундан газ ва газ конденсати қонлари - 94 та, нефт ва нефтқонденсати қонлари – 96 та. Нефт-газ объектларининг 47%и ўзлаштирилган бўлиб, 35%и ўзлаштиришга тайёрланмоқда, қолган қисмида қидирув ишлари давом этмоқда. 136 та қондан табиий газ захиралари топилиб (шундан 59 таси ўзлаштирилган). Таркибида газ қонденсати бўлган 49 та газ қони ўзлаштириш ва фойдаланиш учун тайёрлаб қўйилган.

Диссертацияда қайд этилганидек, нефт-газ қонденсати казиб чиқариш ҳажмининг сезиларли ўсишига, уларни қайта ишлаш бўйича технологик

жараёнларнинг чуқурлашувига, шунингдек, углеводород захиралари, бeринчи навбатда суюк углеводород захиралари кўпайишига қарамай, республика худудида углеводород хом ашёси янги конларини очишга қаратилган нефт-газ конларида разведка-кидирув ишларини жадаллаштиришнинг истиқболли дастури ишлаб чиқилди. Хорижий экспертлар баҳосига кўра «Ўзбекнефтгаз» МХК иш олиб бораётган конлар нефт-газ казиб чиқариш ҳажминини олириш учун катта захираларга эга. Бу омил чет эл инвесторларининг нефт-газ тармоғида инвестиция лойиҳаларини яратишга қизиқишини кучайтирди. 2001 йили Ўзбекистонда илк бора хорижий инвестицияларни тўғридан-тўғри жалб қилиш асосида «Гринити Энерджи» (Буюк Британия) компанияси билан Марказий Устюрт ва Жануби-Шарқий Ҳисор лицензияли худудларида нефт-газ конларини ўзлаштириш ҳамда инфратузилмалар барпо этиш бўйича битим имзоланди.

Ўзбекистон нефт-газ тармоғига, айниқса, геология-кидирув ишларини олиб бориш ҳамда нефт-газ конларини ўзлаштиришга инвестициялар киритишга жаҳоннинг бир қатор йирик нефт-газ компаниялари қизиқиш билдириди. Қорахитой қонида нефт казиб олиш бўйича Малайзиянинг «Пробади» компанияси билан ҳамкорликда тузилган «ЎзМалойл» қўшма корхонаси, Шимолий Ўртабулоқ қонида нефт казиб чиқаришни кўпайтириш бўйича «Бейкер Хьюз» (АҚШ) компанияси билан тайёрланган лойиҳа бунга яққол мисол бўла олади. «ЛУКОЙЛ» (Россия) компанияси бошчилигидаги консорциум билан Устюртда геология-кидирув ишларини ўтказиш Маҳсулот тақсими бўйича қелишув асосида Бухоро-Хива минтақасида углеводородларни казиб олиш бўйича инвестиция лойиҳалари ишлаб чиқилмоқда.



Манба: «Ўзбекнефтгаз» МХК маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган.

5-чизма. Ўзбекистон нефт-газ тармоғига киритилган чет эл инвестициялари динамикаси. (млн. доллар)

Тадқиқот ишида кўрсатилишича, таҳлил қилинаётган давр мобайнида асосий эътибор Ўзбекистон нефт-газ тармоғига тўғридан-тўғри чет эл инвестицияларини жалб қилишга қаратилган. Бу вазифанинг бажарилишига республикамизда яратилган қулай инвестицион муҳит хорижий инвесторларга катта имтиёз ва енгилликлар берилганлиги сезиларли таъсир кўрсатди (5-чизма).

Диссертация ишида нефт-газ тармоғини ривожлантиришда инвестиция стратегиясини баҳолаш зарурати қуйидаги мезонларга таянган ҳолда асослаб берилган:

- ◆ компаниянинг инвестиция стратегияси унинг иқтисодий ривожланиш умумстратегиясига мувофиқлиги;
- ◆ инвестиция стратегиясининг ички мувозанатланганлиги;
- ◆ инвестиция стратегиясининг ташқи муҳит билан ҳамжиҳатлиги;
- ◆ инвестиция стратегиясининг мавжуд ресурслар салоҳиятини ҳисобга олган ҳолда амалга оширилиши;
- ◆ инвестиция стратегиясини амалга ошириш билан боғлиқ таваккалчилик даражасининг мақбуллиги;
- ◆ инвестиция стратегиясининг маҳсулдорлиги.

Тадқиқотчи фикрига кўра, юқорида санаб ўтилган мезонлардан ҳеч бири ўз-ўзича инвестиция стратегиясини қабул қилиш учун етарли бўла олмайди. Маблағларни инвестициялаш ҳақидаги қарор юқорида санаб ўтилган мезонларнинг барчасиғи ва инвестицион лойиҳа қатнашчилари манфаатларини ҳисобга олган ҳолда қабул қилиниши лозим. Қарор қабул қилишда капиталнинг вақт бўйича тақсимланиши ва тузилиши муҳим рол ўйнаши керак.

Шундай қилиб, инвестиция стратегиясини шакллантиришнинг корхона фаолияти мақсадларини белгилашдан то аниқ лойиҳаларни ишлаб чиқишгача бўлган жараёни ўзаро боғланган ва ички келишилган бўлиши лозим. Турли босқичларда стратегик мақсадларнинг тўғри қўйилиши ва уларни амалга оширишнинг изчил ҳаракати компанияларга уларнинг асосий мақсадларига эришиш – узоқ муддатли истикболда фойдани максималлаштириш ва турли таваккалчиликлар таъсирини минималлаштириш учун имконият яратади.

Тадқиқот шунини кўрсатадики, нефт-газ тармоғида фойдаланилган ресурслар қайтими ўсишининг умумий тенденцияси кузатилаётган бир пайтда бошқарувнинг институционал тузилмаси трансформациясини таъминлай олмайдиган институционал доираларни шакллантириш ҳоллари ҳам учраб турибди. Тадқиқотчининг фикрига кўра, «Ўзбекнефтгаз» МХК бошқаруви институционал тузилмасидаги ижобий ўзгаришлар каторига, қуйидагиларни киритиш мумкин: тармоқда мулкчилик институтини кенгайтириш доирасида қайишувчи иқтисодий институтлар тизимини, жумладан, хусусийлаштириш тизимини шакллантириш; табиий захиралардан фойдаланиш ҳуқуқини беришда контракт муносабатларини кенгайтириш (хусусан, маҳсулотни тақсимлаб олиш ҳақидаги битимлардан фойдаланиш доирасини кенгайтириш); ҳолдинг операцияларини тартибга солувчи меъёр ҳамда қоидаларни қўллаш.

Ёқилги-энергетика мажмуасининг бугунги муаммолари, тадқиқот ишида

кўрсатилганидек, асосан молиявий-иқтисодий ва бошқарув тусига эга бўлиб, уларни жамлаган ҳолда қуйидагича ифодалаш мумкин:

- ◆ истеъмолчилар томонидан тўловларни амалга оширмасликнинг ўсиши миллий компаниялар корхоналарининг барча поғонадаги бюджетлар ва бюджетдан ташқари жамғармалардан қарздорлигининг ўсишига олиб келади;
- ◆ инвестициялар тақчиллиги, у асосий фондларнинг эскириши ва ишдан чиқиши тезлашаётган шароитларда, айниқса, кескинлашиб, ўрни тўлдирилмаган ишлаб чиқариш қувватларининг чиқиб кетишига ва нафақат кенгайтирилган, балки оддий такрор ишлаб чиқариш имкониятлари ҳам қисқаришига олиб келади;
- ◆ инвестицияларга рағбатлантиришнинг етарли даражада эмаслиги корхоналарда ишлаб чиқаришда катта харажатларни сақлаб турибди ва инновацияларга мойилликнинг сустлигини таъмин.тамоқда;
- ◆ геология-қидирув ишлари хажмининг қисқариши ва ўзлаштирилаётган конларнинг ресурс салоҳиятини оширишга иқтисодий рағбатлантиришнинг етарли эмаслиги натижасида мажмуа хом ашё базасини такрор ишлаб чиқариш жараёнларининг ёмонлашуви;
- ◆ маҳсулот нархининг шаклланиш механизми - бу турли хил энергетика манбалари ўртасида мақбул нарх нисбати бузилишига олиб келади;
- ◆ корхоналарда нефт конларини ўзлаштиришда максимал инвестиция самарасига эришишга қаратилмаган, конларда қазиб ишларини олиб бориш муддатининг қисқариши ва қазиб олинаётган захиралар рентабеллигининг пасайишига олиб келувчи: фискал-йўналтирилган солиқ сиёсати ва бошқалар.

Тадқиқотда қайд этиладики, нефт-газ соҳаси ҳолдинги ривожланишини бошқаришнинг институционал тузилмаси динамик тусга эга. Институционал муҳит доирасидаги ташкилий тузилмаларда хўжалик бирликларининг ўзаро таъсири шаклидаги ўзгаришлар босқичма-босқич рўй бермоқда. Қайта шаклланишининг асосий йўналиши рақобат муҳитини яратишга асосланган институционал тузилмани шакллантиришдир.

Тадқиқот натижалари кўрсатишича, мамлакатдаги ҳолдинг компанияларида шундай бошқарувни шакллантиришга йўналтирилган меъёрий-ҳуқуқий тадбирларни ишлаб чиқишда қуйидаги ҳолатларни ҳисобга олиш зарур:

1. Акциядорлик жамиятлари (АЖ) бошқарувининг амалдаги тизими самарасизлиги – бошқарувнинг маъмурий усуллари устунлиги ва бозор механизмларидан етарли даражада фойдаланмаслик, бозор конъюнктурасини етарлича билмаслик, истиқбол стратегиясининг йўқлиги, ходимларнинг меҳнатга лаёқатлилиқ даражасининг пастлиги, бошқарув аппарати тузилмасининг нораціоналлиги, молиявий менежмент самарасизлиги ва ишлаб чиқаришни серхаражат бошқариш билан изоҳланади.

2. Корхоналар раҳбарларининг қабул қилинувчи қарорлар оқибатлари учун АЖ таъсисчилари олдида жавобгарлик даражаси пастлиги – бу

акциядорларнинг ўз ҳуқуқларини яхши билмаслигидан, оладиган дивидендлар пастлиги сабабли уларнинг АЖ фаолиятига кизиқишлари йўқлигидан, АЖ ижроия органига уларнинг ишончи пастлигидан ва бунинг натижасида компания фаолияти устидан тўлиқ назорат ўрнатиш ҳамда низомдаги мақсадлар ва асосий вазифаларни бажариш учун ўз вақтида чора-тадбирларни кўриш имкониятлари пасайишидан келиб чиқади.

3. Акциядорлик капиталининг бозори суст ривожланганлиги, кам жозобадорлиги сабабли АЖ акцияларининг фонд биржаларидаги киймати паст, акцияларнинг иккиламчи бозори талаб даражасида ривожланмаганлиги, АЖ низом жағфармасининг миқдори етарли эмаслиги.

4. Мулкдорлар ва капитал тузилмаси ҳақидаги ахборотларнинг етарли даражада ошқора эмаслиги, корхонанинг молиявий-иқтисодий аҳволи ҳақида ишончли ахборотлар йўқлиги инвесторларнинг компанияга бўлган кизиқиши ва эътиборини пасайтиради, инвестицион қарорлар қабул қилишни кийинлаштиради.

«Ўзбекнефтгаз» МХК бошқарувининг институционал тузилмаси дискрет ўзгаришларини амалга оширишда ҳисобга олиш зарур бўлган бир қатор ўзига хос хусусиятлар ва жиҳатлар билан изоҳланади. Биринчи навбатда компания молиявий ресурсларни топиш ва тўплаш қобилиятига эга бўлиб, бу углеводородлар ва уларни қайта ишлаш маҳсулотларини сотиш нархида катта ҳажмли рентанинг мавжудлиги ҳамда инвестиция лойиҳаларини амалга оширишнинг капитал ҳажми катталиги билан изоҳланади. Вертикал интеграциялашган компания сифатида у асосий ролни ўйнаган ҳолда, бундай компанияларга хос бўлган бошқарувнинг ташкилий шакллари турли-туманлиги шу билан тугамайди.


Диссертация ишида амалга оширилган ишлаб чиқариш салоҳиятини бошқариш тизимининг тузилиш-функционал таҳлили статистик таққослашга асосланди. Таҳлиллар кўрсатишича, бошқарув органлари функциялари ушбу органларнинг таркибий бўлинмалари функциялари билан бирга олиб борилиши оқилона: бошқарувнинг асосий тасдиғи ҳисобланади. Шу аснода, дейлик, бошқарувнинг маъмурий тузилмаси муаммоларини ҳал қилишда ҳар қандай поғонада тузилиш-функционал таҳлилдан, айрим модификация ва ўзгартиришлар киритган ҳолда фойдаланиш мақсадга мувофиқ. Анъанавий таҳлилий бошқарув аппаратини бундай модернизациялашдан асосий мақсад иккита ўзаро боғлиқ бўлган вазифани ҳал қилишга имкон берувчи услубий курулни яратишдир. Биринчи вазифа – компаниянинг амалдаги бошқарув органини бошқаришни ташкил қилишда заиф нукталарни аниқлаш; иккинчиси эса, амалдаги органлар бошқарув тузилмаларини ва бўлинмаларини лойиҳалаштириш ҳисобланади. Қўйилган мақсадларга фақат бошқарув органи ва унинг таркибий бўгинлари ишини тавсифловчи объектив иқтисодий кўрсаткичларни ҳисобга олиш асосидагина эришиш мумкин.

Корпоратив тузилмаларнинг шаклланган стратегиялари уларнинг ташкилий шаклларига мос келиши лозим. Бу вазифа диссертация ишида корпоратив тузилмаларнинг дастурий-услубий аппаратини ишлаб чиқиш, корпоратив тузилмалар корхона ва ташкилотларнинг ўзаро таъсири кўриниши

даражасида ҳал этилган.

Тадқиқотда таклиф этилган ташкилий лойиҳалаштиришнинг ўзаро боғлиқ босқичлари йиғиндиси шуни кўрсатадики, уларнинг энг мураккаби ва ечимга расмий ёндашувни талаб қилувчиси корпоратив тизимларнинг кўп поғонали ташкилий тузилмаси тавсифномаларини аниқлаш босқичи ҳисобланади. Мазкур босқич бошқарув аппарати ва ижрочилар сони, поғоналар сони ва ҳар бир поғонанинг бошқарув органи ўртасида йўл қўйиш мумкин бўлган муносабатларни аниқлашни ўз ичига олади.

Кўп поғонали тизимлар тавсифномаларини аниқлаш бир поғонали тузилмалар таҳлилидан бошлаб то ташкилий тузилма поғоналарининг йўл қўйиш мумкин бўлган сонини аниқлашгача бўлган тўртта вазифани кетма-кет ҳал қилишни ўз ичига қамраб олади (6-чизма).



Манба: Тадқиқотлар асосида муаллиф томонидан тузилган.

6-чизма. «Ўзбекнефтгаз» МХК ташкилий тузилмасини лойиҳалаштириш вазифаларини ҳал қилиш босқичлари

Корпоратив тизимда ташкилий тузилма тавсифномасини аниқлаш вазифаси қуйидаги тарзда амалга оширилади. Бошқарув даражалари l ва ҳар бир i -даража ($i = 1, 2$) бошқарув органлари (раҳбарияти) N_i сонини аниқлаш ва бунда бошқарув персонали минимал сони N таъминланувчи бажарувчилар сонига чеклов N_0 , раҳбарлар бошқарув фаолияти маҳсулдорлиги V_{ij} , қарорни ишлаб чиқиш учун талаб қилинувчи ўртача вақт T_{ij} ни ҳисобга олиш зарур:

$$(l, N_j)^*: \min N(N_0, N_j, l, V_{ij}, T_{ij}); \\ F_{ij}(N_0, V_{ij}, T_{ij}) \geq 0,$$

бу ерда, F_{ij} – бошқарув ходимларининг имкониятлари билан бошқарув мураккаблиги ўртасидаги ўзаро алоқа функцияси.

Мамлакат умумсаноат маҳсулотлари ҳажмида нефт-газ мажмуаси маҳсулотлари улушининг ўсиши ишлаб чиқаришнинг саноат салоҳияти тузилмасидаги барқарор ижобий ўзгаришлардан далолат беради. Диссертация ишида нефт-газ корхоналари ишлаб чиқариш кўрсаткичларини регрессия таҳлил қилишнинг эконометрик усуллари асосида уларнинг истиқболда ривожланиши келтирилган. Бунда регрессия коэффициенти деб номланувчи R^2 катталиги аппроксимациянинг ишончлилиқ даражасини акс эттиради. R^2 кўрсаткичи 1 га қанчалик яқинлашса, аппроксимация функцияси хақиқий маълумотларни шунчалик аниқ ифодалайди. Бизда эса, бир ўлчамли вазифадан фарқли ўларок стратегик таҳлил дастурига фақат чизиқли кўп ўлчамли трендлар киритилган.

Тадқиқот натижалари эконометрик кўринишдаги регрессия модели тенгламалар тизимини тузиш ва ечишдан иборат. Бу тизим тадқиқотда қуйидаги кўплик шаклида акс эттирилган:

$$U = f(X_1, X_2, \dots, Y_k, Y_e, \dots, \varphi(t)),$$

бу ерда, X_i, X_j – якуний кўрсаткичга таъсир этувчи омиллар (экзоген ўзгарувчилар);

Y_k, Y_e – танлаб олинган натижаловчи кўрсаткичга таъсир кўрсатувчи омиллар сифатида фойдаланиладиган натижаловчи кўрсаткичлар (эндоген ўзгарувчилар);

$Y(t) - t, t^2$ ёки e^t қуриниши вақт функцияси.

«Ўзбекнефтгаз» нефт-газ корхоналари тузилмасини ва ривожланиш суръатларини оптималлаш қуйидаги кўринишга эга бўлган ишлаб чиқариш функцияси асосида амалга оширилади:

$$V = \alpha \cdot x_1^{a_1} \cdot x_2^{a_2} \cdot e^{a_3 t}$$

бу ерда, V – ялпи маҳсулот;

x_1 - ишлаб чиқариш ходимларининг ўртача йиллик сони;


x_2 - асосий ишлаб чиқариш фондларининг ўртача йиллик қиймати.

Белгиланган вазифа ўзгарувчан x_1 ва x_2 тузилмалари ўзгаришлар бўлганда, шунингдек, ресурс чекловлари мавжуд бўлган ҳолатда максимал даражада ялпи маҳсулот ишлаб чиқариш ҳал қилинади. Бу ерда йўл қўйиш мумкин бўлган ечим соҳаси қуйидаги ораликда бўлади:

$$x_1^{\min} \leq x_1^* \leq x_1^{\max} \\ x_2^{\min} \leq x_2^* \leq x_2^{\max}$$

Диссертация ишида юқорида санаб ўтилган кўрсаткичларни башорат қилишда қуйидагича кўрсатилган полиноминал модел тури танлаб олинган (7-8-чизмалар):


Нефт казиб чикаришни башорат килиш учун:
 $Y = 25x^2 - 99936x + 1E+08$
 бу ерда, $R^2 = 1,0$, $F = 1,80$



Манба: Муаллиф ҳисоб-китоблари асосида олинган

7-чизма. Истикболда нефт казиб чикаришни ривожлантириш.

Газ казиб чикаришни башорат килиш учун:
 $Y = -73,786x^2 + 296592x + 3E+08$
 бу ерда, $R^2 = 0,7$, $F = 0,9$



Манба: Муаллиф ҳисоб-китоблари асосида олинган

8-чизма. Истикболда газ казиб олишни ривожлантириш.

Тадқиқотда ишлаб чиқилган «Ўзбекнефтгаз» МХК ишлаб чиқариш салоҳиятини бошқариш тизимини ривожлантириш концепцияси умуман стратегик менежментда ва стратегик режалаштиришда ҳам туб ўзгаришларни ўзида ифода этади. Бу эса мазкур компаниянинг ёпиқ моделдан очик моделга ўтгани билан боғлиқ. Компания раҳбарлари, яъни директорлар кенгаши ёпиқ модел шароитида компанияни ривожлантириш мақсадлари ва уларга эришиш стратегияларини марказлашган равишда ишлаб чиқарган, сўнгра эса бу қарорлар мунтазам менежерларга етказилган. Мазкур босқичда компания раҳбарлари фақат умумкорпоратив даражада ҳал қилинувчи муаммоларга (янги бўлинмаларни ташкил қилиш, бизнес-портфелни мувозанатлаш, бўлинмалар бирлигини қўллаб-қувватлаш ва ҳоказо) эътибор қаратадилар. Ўз корхоналарида ҳал қилинувчи муаммолардан кўпроқ хабардор бўлган бўлинмалар раҳбарларига келадиган бўлсак, улар ўз зиммаларига бизнес учун жавобгарликни оладилар.

Компания раҳбарлари ва унинг мустақил бўлинмалари ўртасида жавобгарликни тақсимлаш тамойили, шунга олиб келадик, бўлинмалар ички фирма тадбиркорларига айландилар. Ривожланган мамлакатлар тажрибаси кўрсатишича, бу жараёнлар айниқса, корпорацияларнинг номарказлашуви туфайли кенг ривожланган бўлиб, буни бир қатор сабаблар билан изохлаш мумкин. Биринчидан, катта тузилмага эга йирик корпорациялар бозор муҳити шароитида зарур бўлган мослашувчанликка эга эмас, иккинчидан, кичик гуруҳларда меҳнат маҳсулдорлиги одатда катта жамоаларга нисбатан юқори бўлади.

Шу муносабат билан, корхона бошқарувида меҳнат лаёқатининг ўрни ва ролини аниқлаш мақсадида «Муборакнефтгаз» шубба корхонаси таркибий бўлинмаларида ижтимоий сўров ўтказилди. Бу тадқиқот корxonанинг турли бўлинмалари ходимлари меҳнат лаёқати га таъсир кўрсатувчи асосий омилларни аниқлашга имкон берди (4-жадвал).

4-жадвал

«Муборакнефтгаз» шубба корхонаси ходимларининг меҳнат лаёқати кўрсаткичларининг муҳимлиги даражасини аниқлаш

Кўрсаткичлар	Бўлинмаларнинг шартли белгиланиши							Бўлинмалар бўйича
	1	2	3	4	5	6	7	
1. Муносиб иш хақи даражаси	1	2	1	1	1	1	1	1
2. Яхши меҳнат шароитлари	2	4	4	2	2	3	2	2
3. Профессional ўсиш имконияти	6	8	8	4	8	8	7	7
4. Корxonанинг нуфузлилиги	8	6	7	8	3	5	6	8
5. Эгаллаб турган лавозим ёки касб нуфузлилиги	7	7	2	7	7	6	8	6
6. Иш жойидан қониқиш	3	3	3	3	4	2	3	3
7. Қобилиятларни ривожлантириш ва профессионал кўникмалар олиш	4	1	6	5	6	4	4	4
8. Корхона бошқаруvidан қониқиш	5	6	5	5	4	5	5	5

Манба: Муаллифнинг ижтимоий тадқиқотлари асосида ишлаб чиқилган.

Ўтказилган ижтимоий тадқиқот меҳнат лаёқати кўрсаткичлари рўйхатини тузиш ва тадқиқот натижаларидан келиб чиқиб уларни даражаларга ажратиш ва уларнинг устуворлик жиҳатини аниқлаш имконини берди.

Сўровда иштирок этганларнинг 70 % дан ортиғи менежмент ва бўлимлар ходимларининг юксак лаёқатлилигини корхонанинг бошқариш самарадорлигига таъсир кўрсатувчи омиллар қаторига киритдилар. Ходимларнинг меҳнат лаёқати кўрсаткичларида уларни корпоратив ўқитишга муҳим аҳамият берилади. Шу сабабли, диссертация ишида мазкур омилга икки хил жиҳатдан эътибор қаратилган:

- ◆ ишлаб чиқариш жараёнини ташкил этишда профессионал ўсиш ва малака оширишдан ҳамда бошқарув тизимини такомиллаштиришдан манфаатдорлик шароитларини юзага келтириш;
- ◆ ўқиш жараёнининг ўзида профессионал ривожланиш лаёқатини сингдириш.

Тадқиқотчи фикрига кўра, яна бир муҳим жиҳати ўқитиш жараёнини кадрлар тайёрлашнинг юқори самарадорлигини таъминловчи замонавий таълим технологиялари асосида ташкил этишдир.

3. ХУЛОСА

Ўтказилган диссертация тадқиқоти натижасида бир қатор хулоса ва тақлифлар келиб чиқадик, уларнинг моҳияти қуйидагилардан иборат:

1. Ўзбекистон Республикасида бозор ислохотларини чуқурлаштириш ва иқтисодийetni модернизациялаш жараёнлари жаҳон иқтисодийетининг глобаллашув шароитларида рўй бермокда, бу жаҳон амалиётидан келиб чиқиб бошқарув тизимида амалга оширилаётган ўзгаришларни чуқур тушуниш ва англаб олишни тақозо этади. Тадқиқот шуни кўрсатадики, бу жараёнларда корпоратив тизимлар ташкилий тузилмаси ва моҳиятини ўрганиш, шу асосда миллий иқтисодийет рақобатбардошлигини оширишда уларнинг ролини аниқлаш аҳамиятга эга. Бу бозор муносабатлари шарётида нефт-газ тармоги объектларини ва тармоқ ишлаб чиқаришини модернизациялашда инвестиция маблағларидан самарали ва мақсадли фойдаланиш имконини беради.

2. Корпоратив тузилмаларда базавий стратегияни режалаштиришнинг методологик асоси сифатида тадқиқотнинг концептуал даражасида режалаштириш жараёни тузилмаси, технологияси ва уни ташкил қилиш кўринишида ишлаб чиқилган. Стратегияни режалаштиришнинг бирлик, узлуксизлик, қайишувчанлик, аниқлик ва иштирок этиш каби корпоратив тузилмаларнинг самарали талбиркорлик фаолияти учун замин хозирловчи ва танланган стратегияни амалга оширишда салбий натижаларни камайтирувчи тамойиллари асослаб берилган.

3. «Ўзбекнефтегаз» МХК рақобатбардошлигини ошириш истиқболдаги ўзгаришларни ҳисобга олган ҳолда стратегияни мунтазам қайта кўриб чиқиб туришни тақозо қилади. Шунинг учун бозор муҳитининг ҳозирги шароитида холдинг компанияси стратегиясини ишлаб чиқиш жараёни уни амалга оширишга хизмат қилувчи ёки аксинча, тўсқинлик қилувчи омиллар таҳлилин

ҳисобга олган ҳолда узлуксиз жараёнга айланиб бормоқда. Шу муносабат билан нефт-газ тармоғини таркибий қайта қуриш узоқ вақт талаб қилиши объектив равишда стратегик бошқарув қарорларини ишлаб чиқишни тақозо этади. Бунга илмий тадқиқотлар ролини кучайтириш, ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий қилиш ва кадрларни ўқитиш орқали менежментнинг мослашув имкониятларини кенгайтиришга эришиш мумкин.

4. Корпоратив тузилмаларнинг функционал стратегиялари – инновацион ва инвестицион стратегияларни шакллантиришнинг методологик асоси тадқиқотнинг операционал даражасида ишлаб чиқилган. Инновацион стратегияларни таснифлаш учун янгиликлар киритиш белгилари йиғиндиси: корпоратив тузилмалар инновацион стратегиясини амалга ошириш дастури концепция ва тамойилларини шакллантиришнинг асоси ҳисобланувчи тармоққа мансублик, кўламлар илк манбалар, шакллар ва кўринишлар асослаб берилган. Таклиф этилаётган концепциянинг ўзига хос хусусиятлари инновацион стратегия модификациялари ва улардан фойдаланиш динамикаси, инновацион сиёсат операциялари ва уларни амалга оширишдаги чекловлар, инновацион лойиҳани ишлаб чиқиш босқичлари мазмуни жамулжам шаклда акс эттирилган. Таваккалчиликни бошқариш усуллари ўрганилган ва корпоратив тузилмалар инновацион фаолиятида улардан фойдаланиш бўйича тавсиялар берилган.

5. Ишлаб чиқаришнинг - иқтисодий ва ташкилий салоҳиятини ҳисобга олган ҳолда, тармоқдаги ишлаб чиқариш жараёнларини ва ресурслар салоҳиятининг таркибий қисмларини самарали бошқариш услубиёти таклиф қилинган ва синовдан ўтказилган, шунингдек, нефт-газ компаниялари экспорт-импорт имкониятларига баҳо берилган. Бозор муносабатлари ривожланишининг ҳозирги босқичида Ўзбекистон Республикаси нефт-газ сансати корхоналари трансформацияси тармоқни бошқаришнинг барча тузилма ва усулларида сифат ўзгаришларига олиб келади. Шу сабабли, ҳозирги пайтда режалаштириш, ҳисобга олиш, таҳлил этиш, назорат қилишнинг анъанавий усулларини такомиллаштириш жараёнини тезлаштириш ва барча функцияларни ахборотларни олиш, қайта ишлаш ва умумлаштириш бўйича ягона тизимга киритиш ва шу асосда бошқарув қарорларини қабул қилиш зарур. Корхона менежменти у ёки бу миқдорда фойда олиш шаклидаги оператив (жорий) мақсадлардан ташқари стратегик мақсадларга эришишга ҳам йўналтирилиши лозим. Бунда қазиб олишни кенгайтирилган ҳолда такрор ишлаб чиқариш, ташиш-жўнатиш ва ресурсларни ишлаб чиқишнинг иқтисодий, ташкилий ва ишлаб чиқариш захиралари ҳисобга олинган, шунингдек, нефт-газ компанияларининг экспорт-импорт имкониятларига атрофлича баҳо берилган.

6. Ресурслар салоҳиятидан самарали фойдаланишни бошқариш учун уни жорий этган ҳолда ишлаб чиқариш стратегиясини аниқлаш модели ишлаб чиқилган ва нефт компаниялари инвестицион сиёсатини аниқлаш натижалари берилган. Бу ҳолатда бошқарув функцияси «К-ИЧК-АК-МХК» ягона тизими олдига қўйилган мақсадларга эришиш учун зарур бўлган барча фаолият турлари интеграцияси сифатида кўриб чиқилади. Биз таклиф қилган «К-ИЧК-АК-МХК» бошқарув тизими бошқа барча қуйи тизимларнинг мақсад ва вазиёларини белгилаб берувчи ва асосий ишлаб чиқариш жараёнини

бошқарувчи етакчи куйи тизимларнинг айрим моддий жараёнларини (бошқарилувчи объектларни) бошқариш куйи тизимларидан иборат.

7. Корпоратив тузилманинг инвестицион стратегиясини шакллантиришнинг методологик асослари кетма-кетлиги ва уни ишлаб чиқишнинг асосий тамойиллари, кўзланган мақсадга эришишнинг самарали йўналишларини танлаш ва стратегия самарадорлигини баҳолаш жараёнини моделлаштириш сифатида белгилаб берилган. Инвестицион стратегияни ишлаб чиқиш кетма-кетлиги алгоритмик чизма кўринишида акс эттирилган, бунда унинг унсурлари корпоратив тузилманинг қайси тармокка мансублиги ға ҳажмини, шунингдек, стратегияни амалга ошириш даврлари бўйича конкретлаштиришни ҳисобга олади. Стратегия мақсадларига эришишнинг самарали йўналишлари сифатида инвестиция фаолиятининг стратегик йўналишларини ишлаб чиқиш ва инвестиция ресурсларини шакллантириш таклиф этилган. Инвестицион стратегия самарадорлигини баҳолаш услубиёти лойиха таҳлили асосида ишлаб чиқилган бўлиб, бошланғич маълумотлари ҳар бир лойихани амалга оширишдаги турли шарҳларга мос келувчи бир нечта муқобил вариантларни ҳисоб-китоб қилиш тазкорлигини таъминлайди.

8. «Ўзбекнефтгаз» МХКни ислоҳ қилиш менежментнинг инновацион функцияни ривожлантириш ва ташкилий жиҳатдан ажратиш, уни бошқарувнинг янги тизимларини лойиҳалаштириш ва ташкилий ривожланиш соҳасида юқори малакали мутахассислар билан шакллантириш, услубий базалар ва тегишли ахборот ресурслари билан жиҳозлашни назарда тутати.

Такмиллаштириш методологиясига даставвал бошқарув тизимининг ўзгариши рўй берувчи жараёни йўналтирилган ёндашув асос қилиб олинади. Ўзгаришларни лойиҳалаштиришда стратегик муаммоларни аниқлаш, уларни ҳал қилиш устуворлигини баҳолаш, зарур ресурслар билан боғлаш асосий унсурга айланади.

9. Корпоратив тузилмаларни бошқариш тизимини такомиллаштиришда куйидагиларни ҳисобга олиш лозим:

- ◆ миллий иктисодиётнинг корпоратив бошқарувнинг методологик асосларини ишлаб чиқишда ҳисобга олиниши лозим бўлган асосий хусусиятлари нефт-газ тармоғининг мураккаб тузилма эканлиги, бозор механизmlарини жорий этиш жараёнида давлатнинг иштирок этиши ва фонд бозорларининг етарли даражада ривожланмаганлиги ҳисобланади;
- ◆ корпоратив тузилмаларни шакллантириш асосини мақсадли йўналтирилганлик, холдинг муносабатларининг устунлиги, самарадорликни баҳолаш мезонлари бир хил бўлган ягона молиявий макон яратиш, жавобгарликни консолидациялаш ва ҳисоботлилик, тузилманинг ташкилий йўналтирилганлиги ва диверсификация каби тамойиллар йиғиндиси ташкил қилади;
- ◆ корпоратив тузилмаларни ривожлантириш стратегиясини амалга ошириш хусусиятлари кўп жиҳатдан макроектисодий муҳитга, стратегик режалаштириш технология ва усуллари самарадорлигига, капиталда иштирок этиш шакллариға боғлиқ бўлиб, улардан асосийси вертикал ишлаб чиқариш интеграциясига эға холдинг тузилмаси

ҳисобланади;

- ◆ инновацион менежментни такомиллаштириш давлатнинг инновация сиёсатини кучайтириш ва кенгайтириш, янгиликлар киритишни бошқариш воситаси сифатида венчурли молиялаштиришдан фойдаланиш, молиявий лизинг учун шароитлар яратиш ва уни жорий қилиш, илмий тадқиқотларни диверсификациялаш, технопарк, технологик марказ ва интеграциялашган ўқув ишлаб чиқариш марказлари шаклидаги инновация тузилмаларига ўтиш, ишлаб чиқариш ва инновация салоҳиятини йирик банкларнинг инвестиция салоҳияти билан бирлаштиришни назарда тутати;
- ◆ давлатнинг корпоратив тузилмалар капиталидаги иштирокининг энг маъқул шакллари сифатида унитар давлат корхоналари тузилмаларини, давлат мулки улуши катта бўлган маъмурий тузилмалар ва хоказоларни кўрсатиш мумкин.

Диссертация ишида ифодаланган ҳулоса ва таклифлар, муаллиф фикрига кўра, миллий иқтисодиётни модернизациялаш шароитида корпоратив менежментни барпо этиш учун зарур методологик асосларни яратади.

4. ЭЪЛОН ҚИЛИНГАН ИШЛАР РЎЙХАТИ

I. Монографиялар, жамоавий монографиялардаги боблар, дарсликлар, ўқув қўлланмалари

1. Қосимова Д.С. Нефт-газ компанияларини самарали бошқариш асослари. Монография – Т.: Fan va tehnologiyalar, 2006. – 146с.
2. Туляганова Д.С. и др. Оценка эффективности управления в экономике. Монография. – Т.: ТГЭУ, 2003. – 68-79 с.
3. Туляганова Д.С., Муракаев И.У. Менежмент фанидан практикум. Ўқув қўлланма. – Т.: Фан, 2002. – 135 б.
4. Туляганова Д.С., Акаитдинова М.А. Менежмент социологияси ва психологияси. Ўқув қўлланма. – Т.: ТДИУ, 2004. – 90 б.
5. Туляганова Д.С. Практикум по менеджменту. Учебное пособие. – Т.: ТГЭУ, 2004. – 155 с.
6. Kosimova D.S. Uzbekneftegaz Oil and Gaz Company. Bussines cases in Uzbekistan. Sasacawa Peace Foundation. Tokyo. – Т.: Yangi Fazo, 2006. – 82-92 p.
7. Kosimova D.S. Technolog Equipment Manufacturing Company. Bussines cases in Uzbekistan. Sasacawa Peace Foundation. Tokyo. – Т.: Yangi Fazo, 2006. – 68-73 p.
8. Kosimova D.S. Tezroofing Roofing Company. Bussines cases in Uzbekistan. Sasacawa Peace Foundation. Tokyo. – Т.: Yangi Fazo, 2006. – 127-136 p.
9. Қосимова Д.С. «Ўзбекнефтегаз» МХК – стратегик янгиланиш эҳтиёжи. Ўзбекистондаги бизнес таълим тизимига «Кейс Стади» услубини татбиқ этиш. Кейслар тўплами. – Т.: Akademia, 2006. – 561-584 б.
10. Қосимова Д.С. ОХЖ «Технолог» га янги стратегия керакми? Ўзбекистондаги бизнес таълим тизимига «Кейс Стади» услубини татбиқ этиш. Кейслар тўплами. – Т.: Akademia, 2006. – 462-471 б.

11. Қосимова Д.С. Tezroofing. Маркетинг стратегиясини қўллаш. Ўзбекистондаги бизнес таълим тизимига «Кейс Стади» услубини тадбиқ этиш. Кейслар тўплами. – Т.: Akademia, 2006. – 517-532 б.

12. Қосимова Д.С. «Ўзбектелеком» ОАЖ инвесторлар учун етарли даражада жозибадорми? Ўзбекистондаги бизнес таълим тизимига «Кейс Стади» услубини тадбиқ этиш. Кейслар тўплами. – Т.: Akademia, 2006. – 585-607 б.

II. Журналлар ва илмий тўпламлардаги мақолалар

13. Туляганова Д.С., Муракаев И.У. Научные основы реформирования системы управления экономикой в условиях перехода к рынку: Сборник научных трудов «Современные информационно-коммуникационные технологии в экономике, науке и образовании». – Т.: ТГЭУ, 1998. – 136-144 с.

14. Туляганова Д.С. Совершенствование методики анализа интегральных показателей развития региона. Вопросы РАСУ. АН УзССР 1989. – 115-118 с.

15. Туляганова Д.С. Социальная политика Республики Узбекистан в сфере непрерывного образования: Межв. сб. "Экономика и технология". Вып. №11. – М.: Изд-во «Рос.экон.акад», 2000. – 296-301 с.

16. Туляганова Д.С., Хантметов А. Иктисодиётни эркинлаштирилиши шароитида экспорт йўналишлари. //Ж. Ўзбекистон иктисодий ахборотномаси. 2002. №4. – 56 б.

17. Туляганова Д.С. Опыт управления социальным развитием в зарубежных странах. //Ж. Иктисодиёт ва таълим. 2003. №2. – 127-132 б.

18. Туляганова Д.С. Улучшение основных направлений государственного регулирования трансформации ресурсного потенциала НХК "Узбекнефтегаз" //Ж. Иктисодиёт ва таълим. 2004. №4. -- 114-119 б.

19. Туляганова Д.С. Номоддий ресурслардан фойдаланишнинг самарадорлигини ошириш йўллари. //Ж. Жамият ва бошқарув 2005. №1. – 39-40 б.

20. Туляганова Д.С. Использование ресурсного потенциала компании "Узбекнефтегаз". //Ж. Бозор, пул ва кредит. 2005. №2. -- 45-47 б.

21. Туляганова Д.С. Теоретические подходы к рациональному использованию ресурсного потенциала в компании. //Ж. Иктисодиёт ва таълим. 2005. №1. – 72-78 б.

22. Туляганова Д.С. НХК "Узбекнефтегаз": Потенциал развития. //Ж. Бозор, пул ва кредит. 2005. №7. -- 30-33 с.

23. Қосимова Д.С. Стратегия использования собственных сырьевых ресурсов. // Объединенный научный журнал. 2005. №28. – 4-5 с.

24. Қосимова Д.С. Организационно-экономический механизм повышения эффективности использования нематериальных ресурсов. // Объединенный научный журнал. 2005. №28. – 3-4 с.

25. Қосимова Д.С. Кенгайтирилган такрор ишлаб чиқаришнинг ахамияти. // Жамият ва бошқарув. 2005. №4. – 23-27 б.

26. Қосимова Д.С. Биз нимани кутмоқдамиз? // Солиқ тўловчининг журнали. 2005. №11. – 69-71 б.

27. Қосимова Д.С. Инновационные методы управления в условиях трансформации экономики. //Ж. Налогплательщик. 2005. №1 (41). - 32-35 с.

Симпозиум ва конференциялардаги маърузалар тезислари

28. Туляганова Д.С. Эффективность использования природных ресурсов в условиях перестройки хозяйственного механизма. //Теория и практика перестройки хозяйственного механизма: Тез. докл. науч. конф. – Москва., 1990. – 271-273 с.

29. Туляганова Д.С. Развитие системы управления в условиях многообразия собственности. //Переход к рыночной экономике в условиях суверенитета независимости Республики Узбекистан: Тез. науч. конф. – Ташкент, 1994. – 28-29 с.

30. Туляганова Д.С. Мотивация трудовой деятельности в условиях рынка. //Научно-практические основы переработки сельхозсырья: Тез. респ. науч.-техн. конф. – Бухара, 1996. – 303-304 с.

31. Туляганова Д.С. Проблемы социальной защиты работников образовательной системы.// Интеграция Республики Узбекистан в мировое сообщество. Тез. науч.-практ. конф. - Ташкент, 2000. – 653-67 с.

32. Туляганова Д.С. Особенности развития инновационного процесса. //Современные компьютерные технологии в экономике, науке и образовании: Тез. межд. конф. – Ташкент, 1998. – 73-74 с.

33. Туляганова Д.С., Развитие Интернет технологий в современном мире. // Применение INTERNET в учебном процессе: Тез. межд. науч.-практ. конф. - Москва-Ташкент, 2002. – 53-55 с.

34. Туляганова Д.С. Социальная сфера в условиях рыночной экономики. //XVI Межд. Плехановские чтения: Тез. межд. науч. конф. – М., 2003. – 385 с.

35. Туляганова Д.С. Использование компьютеров в малом бизнесе. Маърузалар тўплами. //Иқтисодчи кадрлар тайёрлаш сифатини таъминлашда ахборот-коммуникациялар технологиялари: Илм.-амал. анж. маър.тўп.– Тошкент, 2003. – 66-68 б.

36. Туляганова Д.С., Бегалов Б.А. Вопросы информатизации образования. //Компьютеризация и обучение проблемы гуманизации и образования в техническом вузе: Мат. межд. науч.-метод. конф.- Пенза, 2003. – 129-131 с.

37. Туляганова Д.С., Собиров А. Общие предпосылки создания малых предприятий. // Солик органлари кадрларини тайёрлаш тизимидаги таълим жараёнига янги педагогик технологияларни жорий этишнинг илмий асослари: Халк. илм.-амал. конф.- Т.: 2003. – 351-354 б.

38. Туляганова Д.С. Инновационные технологии в обучении. //Солик органлари кадрларини тайёрлаш тизимидаги таълим жараёнига янги педагогик технологияларни жорий этишнинг илмий асослари: Халк. илм.-амал. конф. - Т.: 2003. –111-113 б.

39. Туляганова Д.С., Собиров А. Особенности управления

производством в акционерном обществе. // Иқтисодий ён эркинлаштириш шароитида Ўзбекистон Республикаси корхоналари ва ташкилотларида маркетинг тадқиқотларини ташкил этиш масалари: Илм-амал. анж. маър. тез.– Т.: 2005. - 66-67 б.

40. Туляганова Д.С. Управление ресурсным потенциалом промышленного предприятия в рыночных условиях. // Иқтисодий ён эркинлаштириш шароитида Ўзбекистон Республикаси корхоналари ва ташкилотларида маркетинг тадқиқотларини ташкил этиш масалари: Илм-амал. анж. маър. тез.– Т.: 2005. - 64-65 б.

41. Туляганова Д.С., Собиров А. Методологические аспекты экономического роста. //Иқтисодий ён эркинлаштириш шароитида ташқи иқтисодий фаолиятнинг роли: Халқ. илм.-амал. анж. маър. тез. – Т.: 2005. – 86-87 б.

42. Туляганова Д.С. Организационно-управленческие отношения в системе корпоративного менеджмента. //Иқтисодий ён модернизациялаш ва ислох этиш – барқарор ўсишни таъминлашнинг бош йўли: Илм.-амал. анж. маър. тез. – Т.: 2005. - 53-55 б.

43. Туляганова Д.С. Совершенствование управления трудовыми ресурсами на промышленных предприятиях //XVIII Межд. Плехановские чтения: Тез. докл. межд. науч.конф. – М., 2005.- С. 278-280.

44. Косимова Д.С. Стратегия развития перспективных направлений топливно-энергетического комплекса Республики Узбекистан. XIX Межд. Плехановские чтения: Тез. докл. межд. науч.конф.- М., 2006. - С. 136-137.

45. Косимова Д.С. Научно-технический потенциал как главный фактор формирования и повышения эффективности компонентных элементов потенциала в компании. «Истикбол умидлари» мавзусида ўтказиладиган институтлараро профессор-ўқитувчилар ва иқтидорли талабалар илм. – амал. анж. тез.- Т.: 2006. - 25-27 б.

Иқтисод фанлари доктори илмий даражасига талабгор
Қосимова Дилором Собировнанинг 08.00.05 - «Менежмент» ихтисослиги бўйича
«Ўзбекнефтгаз» МХК ишлаб чиқариш салоҳиятини ривожлантириш ва ундан
самарали фойдаланишни бошқариш» мавзусидаги диссертациясининг

РЕЗЮМЕСИ

Таянч (энг муҳим) сўзлар: методология, башорат қилиш услубиёти, интеграциялашган корпоратив тузилма, ресурслар салоҳияти, институционал тузилма, стратегик ва инновацион менежмент, корпоратив бошқарув, стратегия, кадрлар таъминоти, лаёқат, инвестиция стратегияси, нефт-газ мажмуаси.

Тадқиқот объектлари: «Ўзбекнефтгаз» миллий холдинг компанияси корхоналари.

Ишнинг мақсади: Ўзбекистон Республикаси нефт-газ мажмуасининг барқарорлиги ва рақобатбардошлигини таъминловчи корпоратив тузилмаларда бошқарув тизимини такомиллаштиришнинг назарий услубий асослари ва илмий амалий тавсияларини ишлаб чиқишдир.

Тадқиқот методи: тизимли ёндашув, илмий тавсифнома, статистик ва солиштирма таҳлил, эксперт баҳолаш, ва корреляция-регрессия таҳлили, шунингдек, башоратлаш ва эконометрик усуллар.

Олинган натижалар ва уларнинг янгилиги: корпоратив тузилмаларни ривожлантириш тенденциялари ҳамда қонуниятларини аниқлаш билан биргаликда шакллантириш ва таснифлаш мажмуаси асослаб берилган; нефт-газ компанияларининг стратегик ва инновацион менежментини яратишнинг услубий ёндашувлари ишлаб чиқилган; республика нефт-газ корхоналарининг ҳозирги ҳолатини таҳлил қилиш асосида уларнинг инвестиция фаолиятини бошқаришнинг самарадорлигини ошириш йўллари ишлаб чиқилган; нефт-газ мажмуасининг ривожлантиришнинг инновация стратегиясини шакллантириш тамойиллари стратегик режалаштириш жараёни технологияси ва бу жараёни ташкил қилиш асослаб берилган; «Ўзбекнефтгаз» МХК корхоналари фаолият юритиши мақбул вариантларини танлашда фойдаланиладиган ишлаб чиқариш жараёнларини режалаштириш, башорат қилиш ва бошқариш тизимларини такомиллашган ахборот модели таклиф этилган; компанияда ресурслар салоҳиятининг таркибий қисмлари ва ишлаб чиқариш жараёнларини самарали бошқариш услубиёти ишлаб чиқилган; компанияда ички ташкилий-хўжалик механизмини шакллантириш тенденциялари очиб берилган; республика нефт-газ мажмуасида кадрларни ўқитиш бўйича таълим тизимини шакллантириш механизми таклиф этилган.

Амалий аҳамияти: ишлаб чиқаришни ривожлантириш стратегиясини ишлаб чиқиш, ресурслар салоҳиятидан фойдаланиш ва уни самарали бошқариш, шунингдек, корпоратив бошқарув тизимини такомиллаштириш бўйича илмий-амалий таклифлардан Ўзбекистон Республикаси нефт-газ мажмуаси корхоналарида фойдаланиш мумкин.

Татбиқ этиш даражаси ва иқтисодий самарадорлиги: тадқиқот натижалари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Фан ва технологиялар маркази томонидан ва «Ўзбекнефтгаз» МХКда амалиётга татбиқ этиш учун қабул қилинган.

Қўлланиш соҳаси: Ўзбекистон Республикаси нефт-газ мажмуаси корхоналари

Тадқиқотчи:



РЕЗЮМЕ

диссертации Косимовой Дилором Собировны на тему: «Управление развитием и эффективным использованием производственного потенциала НХК «Узбекнефтегаз» на соискание ученой степени доктора экономических наук по специальности 08.00.05 – «Менеджмент»

Ключевые слова: методология, методика прогнозирования, интегрированная корпоративная структура, ресурсный потенциал, институциональная структура, стратегический и инновационный менеджмент, корпоративное управление, стратегия, кадровое обеспечение, мотивация, инвестиционная стратегия, нефтегазовый комплекс.

Объект исследования: предприятия Национальной холдинговой компании «Узбекнефтегаз».

Цель работы: разработка теоретико-методических основ и научно-практических рекомендаций по совершенствованию управленческой системы в корпоративной структуре, обеспечивающее устойчивость и конкурентоспособность нефтегазового комплекса Республики Узбекистан.

Метод исследования: использованы методы системного подхода, научного познания, статистического и сопоставительного анализа, экспертной оценки, корреляционно-регрессионного анализа, а также методы прогнозирования и эконометрики.

Полученные результаты и их новизна: обоснована совокупность принципов формирования и классификации корпоративных структур с определением тенденций и закономерностей их развития; разработаны методологические подходы к созданию стратегического и инновационного менеджмента нефтегазовых компаний; на основе анализа современного состояния нефтегазовых компаний республики разработаны пути повышения эффективности комплексного управления инвестиционной деятельностью холдинговых компаний; обоснованы принципы формирования инновационной стратегии развития нефтегазового комплекса с разработкой технологии и организации процесса стратегического планирования; предложена усовершенствованная информационная модель системы планирования, прогнозирования и управления производственными процессами, которые используются для выбора оптимальных вариантов функционирования предприятий НХК «Узбекнефтегаз»; разработана и апробирована методика эффективного управления производственными процессами и компонентами ресурсного потенциала в компании; раскрыты тенденции формирования внутрикорпоративного организационно-хозяйственного механизма; предложен механизм формирования образовательной системы по обучению кадров.

Практическая значимость: научно-практические предложения по разработке стратегии развития производства, эффективного управления и использования ресурсного потенциала, а также по совершенствованию системы корпоративного управления могут быть использованы в предприятиях нефтегазового комплекса Республики Узбекистан.

Степень внедрения и экономическая эффективность: результаты исследования приняты к внедрению Центром науки и технологий при Кабинете Министров Республики Узбекистан и НХК «Узбекнефтегаз».

Область применения: предприятия нефтегазового комплекса Республики Узбекистан.

RESUME

Of the dissertation work of Kosimova Dilorom Sobirovna on “Management of development and effective application of production potential of NHC “Uzbekoilgas” submitted for the competition on the title of Doctor of Economic sciences on specialty 08.00.05 - Management.

Key words: methodology, forecasting methodics, integrated corporative structure, resource potential, institutional structure, strategic and innovation management, corporative management, strategy, personnel supply, motivation, investment strategy, oil-gas complex.

Subjects of the inquiry: the enterprises of the National Holding Company “Uzbekoilgas”

Aim of the inquiry: development of theoretical and methodological bases and scientific and practical recommendations on improvement of management system in corporative structure which supply stability and competetiveness of oil-gaz complex of the Republic of Uzbekistan.

Method of the inquiry: on this work the methods of system approach, scientific facilitation, statistical and comparative and analytical methods, expert evaluation, index and correlation-regression analysis, and also the forecasting and econometric methods have been implemented.

The results achived and their novelty: there are based a complex of principles of forming and classificaton of corporative structures with definition of their development tendencies and laws; methodological approaches on creation the strategic and innovation management of oil-gaz companies were developed; the ways of efficiency of complex management of holding company’s innovation activity based on analysis of current situation of the Republic’s oil-gaz companies were worked out; principles of forming the oil-gaz complex’s innovation development strategy with developrment technology and organization of strategic planning process; were grounded an improved informational model of systems planning, forecasting and production process management wich are used for selection of optimal versions of functioning of “Uzbekoilgas” NHC’s enterprises proposed; the methodology of efficient production process management and company’s resource potential components was proposed and tested the tendencies of forming in-corporative organizational and economic mechanism was opened; were proposed of mechanism of forming of educational system on personnel study.

Practical value: scientific – practical recommendations on production strategy development, efficient management and usage of resource potential, and also, on improvement of corporate management system can be used in enterprises of oil-gas complex of the Republic of Uzbekistan.

Degree of embed and economic effectivity: the results of investigation were accepted for applying in the Science and Technologies Center Under the Cabinet of Ministers of the Republic of Uzbekistan and NHC “Uzbekoilgas”

Sphere of usage: the enterprises of oil-gas complex of the Republic of Uzbekistan.

Босишга рухсат этилди 25.05.06.
Қоғоз бичими 60x84 ¹/₁₆, «Times UZ»
гарнитураси. Офсет усулида босилди
Ҳажми 2,0. Адади 100 нусха.
Баҳоси келишилган нарҳда.
Буюртма № 100.

Тошкент давлат иқтисодиёт
университети bosмахонасида чоп этилди.
Ўзбекистон кучаси, 49.